**Боқий фикр**

*Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак.*

Ислом КАРИМОВ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 21-mart, chorshanba № 23 (8464)



# ТОТУВЛИК, МЕҲР-МУҲАББАТ БАЙРАМИ

Наврўз ўзбек халқининг шундай бир қадриятики, у миллатнинг борлигини, улуғлигини намоён этади. Наврўз, ҳеч бир шубҳасиз, халқимиз билан бирга яшаб, бирга улғайиб, тараққий топган байрамдир. Халқнинг тарихи ва маданиятининг ажралмас қисми бўлган Наврўз қанчалик кўҳна илдизларга эга бўлса, айни пайтда, шунчалик ҳар йили биз билан ёнма-ён янгиланиб, қайта қувватга киради. Ушбу байрамга муносабат халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажагига муносабатнинг рамзи сифатида ҳам намоён бўлади.

## Navro'z — boqiy qadriyat

Халқ орасида Наврўз – Йилбоши, Янги кун, Янги фасл, Янги йил деб ҳам юритилади. Лекин у, қайси ном билан аталмасин, миллатнинг улуғ куни, тозариш, яшариш, янгиланиш, юксалиш байрами бўлиб қолаверади.

Наврўзни шунчаки бир байрам дейиш унинг асл қимматини тўлиқ идрок этишга монеълик қилади. Чунки у миллатнинг тарихи, фалсафаси, санъати, маданияти, мифологик, диний дунёқарашлари, илмий тафаккур тарзи, ҳаётий тажриба ва билимлари мужассамлашган қомусий бир айёмдир.

Наврўз кун билан тун тенг келган вақтда нишонланиши ҳаммамизга аён. У мавсумий маросимлар силсиласининг аввалида туради. Наврўз тақвимий байрам. Қадимда йил тақвими, яъни фасллар алмашинуви, унинг қутбларини билиш кишилар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимиз қуёш, ой, юлдуз каби осмон ёритқичлари ҳаракатини кузатиб, улар ҳақида мукаммал билимга эга бўлганлар. Бу уларнинг кундалик, хўжалик, ижтимоий-сиёсий, маданий ва диний ҳаётида асқотган. Аслида, Наврўз ҳақидаги мавсумий маросимлар ва қўшиқлар моҳиятида ана шу жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар ўз аксини топгандир.

(Давоми 7-бетда.)

# ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ ДИРЕКТОРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

**Юртимизда таълим тизимига мамлакатни барқарор тараққий эттиришнинг муҳим омили сифатида эътибор қаратилаётгани қисқа фурсатдаёқ ўз самарасини кўрсата бошлади. Бу халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.**

**Албатта, истиқлол йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Фан-техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари асосида таълим дастурлари такомиллаштириб борилмоқда. Табиийки, бундай шароитда таълимни бошқариш тизимида педагогик жараённи илмий асосда ташкил этиш, фаолиятда вужудга келаётган муаммоларни ижобий ҳал этиш борасида изланишлар олиб бориш каби долзарб вазифалар юзага келади.**

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз бугунги кун учун ўта муҳим ва долзарб бўлган бир қатор вазифаларга тўхталар экан, шиддат билан ривожланаётган замонда вужудга келаётган янгидан-янги талабларни ҳар бир инсон қаерда ва қандай лавозимда ишламасин чуқур англаши, ишга, ҳаётга муносабатини ўзгартириб бориши зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Жумладан, Президентимиз томонидан билдирилган қуйидаги мулоҳазалар ҳар бир юртдошимиз, айниқса, бошқарув тизимида фаолият юритаётган масъул раҳбарларни янада масъулиятлироқ бўлишга, ҳушёрликка ундади: «Айниқса, замоннинг юриши, ўзгариши билан аввало раҳбарлар, етакчилар ўзгариши керак. Биз XXI аср – интеллектуал тараққиёт асри, деб кўп гапирамиз. Модомики, шундай экан, бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим».**

Дарҳақиқат, мактаб директори ҳам таълим муассасаси бошқарувини замонавий усулларда ташкил этиши зарур. Бу эса ундан илғор тажрибаларни ва фан-техника ютуқларини мунтазам ўрганиб ўз фаолиятига татбиқ этиб боришни, касбий фаолиятига ижодий ёндашувни талаб қилади. Агар умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарида бошқарув йўналишлари бўйича зарур билим, тажриба, педагогик маҳорат, кўникма ва малакалар етарли бўлмаса таълим жараёнини бошқаришда вужудга келадиган турли муаммоларнинг ўз вақтида, оқилона ечимини топишда унинг ожизлиги сезилиб қолади. Уларнинг олдини олиш ҳамда педагогик ходимлар фаолиятини такомиллаштириш ва натижада ўқув жараёнини ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан бири раҳбар бошқарув фаолиятининг илмий асосда ташкил этилишидир.

(Давоми 3-бетда.)

**Бу йил республикамиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари бешинчи бора ўтказилади. Ортда қолган олтинга тенг фурсат юртимизнинг ҳар жабҳада олдиндан аниқ ва равшан тарзда кўзланган тараққиёт манзиллари сари дадил одимлашида улкан аҳамиятга эга бўлмоқда.**

# ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАЁТГАН ЁШЛАР

## улар тимсолида мамлакатимизнинг порлоқ истиқболини кўрамиз

Айниқса, миллат генофондини яхшилаш, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш ва халқаро майдонда шон-шуҳрат қозонишнинг энг оммалашган воситаларидан бири — спортни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, иқтидорли болаларни аниқлаб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда навқирон авлоднинг ширин орзуларининг рўёбга чиқишига кўмаклашиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

## Umid nihollari — 2012

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш, уни ривожлантиришда спорт ва жисмоний тарбия ҳам етакчи омиллар сирасига киритилди. Айниқса, Марказий Осиё минтақаси учун мутлақо янгилик бўлган уч босқичли спорт мусобақалари тизимининг йўлга қўйилиши чинакам оламшумул воқелик бўлди. Тасаввур қилайлик, бир ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланиб, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида ўз омадини биринчи марта синовдан ўтказса, касб-ҳунар коллежида таҳсилни давом эттириб, "Баркамол авлод" спорт ўйинларида иккинчи бор катта майдонда курашга киришади, синовларда тобланади. Ниҳоят, олий ўқув юртида ўзи танлаган касбнинг моҳир устасига айланиш билан бирга Универсиадада қатнашиб, янада юксак марраларни заб этиш имконини ҳам қўлга киритади. Кейин у жаҳон чемпионатлари ёки олимпия ўйинларида қатнашмаган тақдирда ҳам, асосийси, спорт билан бир умрга ошно бўлиб, соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётий қоидасига айлантиради.

Кўриб турганимиздек, узоқни кўзлаган ҳолда ғоятда пухта ва чуқур ўйланган уч босқичли спорт мусобақалари тизими бир навқирон авлод вакилининг болалик давридан то камолотга етгунгача бўлган улкан даврни қамраб олмоқда.

(Давоми 5-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР 4-бет

«БИЗ «ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»ДА ИШЛАЙМИЗ» Қарши саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари бу гапни ишонч билан айтишмоқда 6-бет

НАВРЎЗ: ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ НИШОНЛАНАДИ? 11-бет

КЎКЛАМ ҚЎШИҚЛАРИ 14-бет



*Mart — kimyo, biologiya, fizika fanlari oyligi*

Март ойи ҳали кириб улгурмасиданоқ Ҳамза туманидаги 67-мактабда «Кимё, биология, физика фанлари ойлиги»га тайёргарлик бошлаб юборилган эди. Фан ойлиги доирасида ўқувчиларга ушбу фанларни янада чуқур ўргатиш, уларнинг билим эгаллашга қизиқишларини ошириш борасида жиддий чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, 7-синфлар ўртасида «Балли, биологлар!» кўрик-танлови, «Шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш» мавзусида 8-синфлар учун қизиқарли лаборатория ишларини, очиқ дарсларни ўқув-лаборатория жиҳозларидан фойдаланиб, самарали ташкил этишда биология фани ўқитувчиси Сапура Тўлаганова ҳамда кимё фани ўқитувчиси Гўзал Суюнова астойдил ҳаракат қилишди. Шунингдек, «Ботаника боғи» ва «Шредер» номли боғдорчилик илмий-текшириш институтига уюштирилган саёҳат 6-синф ўқувчиларида катта таассурот қолдирди.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

## НАВРЎЗ ФАЛСАФАСИ

### бола тарбиясида беназир манба

Ҳар қайси миллатнинг маънавиятини унинг ўзига хос урф-одат ва анъаналари, қадриятларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбегимнинг илк баҳор кунларини ана шундай боқий қадриятимиз — Наврўз шодиёналари янада нурафшон этади. Асрлар оша яшаб келаётган ушбу маънавий мерос замирига сингиб кетган ибратлар асосида ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг намунали ва фойдали жиҳатлари кўп. Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика марказида бўлиб ўтган «Наврўз — янгиланиш ва яшариш байрами» шиори остидаги адабий-бадиий кечада Наврўзнинг тарбиявий аҳамияти янгича талқин этилди. Тадбирда МТМ мусиқа раҳбарлари Наврўз умумхалқ байрамининг юзага келиш тарихидан лавҳалар, ушбу кунга хос анъаналаримиздан саҳна кўринишлари намойиш этишди. Халқимизнинг миллий ўйинларидан намуналар, лапар айтиш, спорт мусобақалари ташкил этилди. Кечадан сўнг курс тингловчилари ўртасида семинар-тренинг ўтказилди. Унда Марказ педагог ташкилотчиси Нодира Орифжонова мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган машғулотлар мазмунида миллий қадриятларимиздан фойдаланиш юзасидан тавсиялар берди. Миллий ўйинлар, халқ педагогикаси намуналарини ижодкорона қўллаш таълимий машғулотлар мундарижасини бойитибгина қолмай, тарбияланувчилар миллий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Унга кўра Наврўз байрамининг бой фалсафасидан тарихий-маънавий илдизига асосланган ҳолда йил давомида болаларга миллий тарбия бериш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин деган, хулосага келинди.

**Н. ЭРХОНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## КОЛЛЕЖ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МАЛАКА ОШИРДИ

**Мамлакатимиздаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги коллежларнинг ўттиз нафардан ортиқ ўқитувчиси "С тилида AVR микроконтроллёрлари учун дастурлаш" курси бўйича ўқитилди. Ўқув машғулотлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида ўтказилди.**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан маълум қилишларича, ўқув курсини ташкил этишдан кўзланган мақсад — ўқитувчиларнинг дастурлаш асослари бўйича малакасини оширишдан иборат. Зеро, бугунги кунда таълим сифати кўп жиҳатдан ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқдир.

Таълим муассасаларида компьютер техникаси нафақат информатика, балки бошқа фанларни ўқитишда, айниқса, электрон дарсликлар асосида кўргазмали аудиовизуал дарсларни ташкил этишда кенг қўлланилмоқда. Кутубхоналарда ташкил этилаётган ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ахборот-ресурс марказларидан самарали фойдаланиш таълим сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис ўқитувчилар компьютерга оид билимларини мунтазам ошириб боришi, бу борадаги илмий янгиликлар ва инновацион ишланмалардан ўз вақтида хабардор бўлиши лозим.

Ўқитиш дастурий таъминот соҳасида миллий инновацион маҳсулот бўлган L-Plata аппарат-дастурий таъминлаш платформаси бўйича ўтказилди. L-Plata замонавий микроконтроллёрларни дастурлаш кўникмаларини ўзлаштириш, кичик ва ўрта даражадаги мураккаб мослама ҳамда дастурларнинг схемаларини ишлаб чиқишни ўрганиш имконини беради. Аппарат-дастурлаш комплекси саккизта лаборатория ишини ўз ичига олган бўлиб, улардан фойдаланиш талабалар томонидан яратилаётган янги дастурларни тадқиқ этишга кўмаклашади.

L-Plata ўқув стендида электрон қурилмалар схемаларини тузиш ҳамда микроконтроллёрларни дастурлаш мумкин. Унга ўзбек тилидаги ўқув материаллари, дастурларга оид мисоллар, шунингдек, L-Plata билан ишлаш учун электрон манбадаги барча зарур дастурий таъминот киритилган. Ўқув стендида AVR туридаги микроконтроллёрлар қурилмалари, уларнинг ишлаши ва дастурлаш, дастурларни ишлаб чиқиш шароитлари, узел ҳамда мосламаларни амалий дастурлаш ўрганилмоқда.

L-Plata аппарат-дастурлаш комплекси микроэлектроника соҳасидаги замонавий технологияларни ўрганиш, хусусан, ўрнатиладиган тизимларни яратиш, лаборатория тадқиқотларини ўтказиш, ўрганувчиларга эса дастурлаш бўйича ўз билимларини ошириш ва янги кўникмаларга эга бўлиш имконини беради.

Мамлакатимиздаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги 34 коллежда тўрттадан L-Plata аппарат-дастурлаш комплексини ўрнатиш мўлжалланмоқда.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ" республика танлови

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзуида энг яхши мақолалар ва фотоасарлар республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар ва фотосуратларда:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир" маърузасида, 2012 йил 27 февралда қабул қилинган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг амалдаги самараларини атрофлича ёритиш;

— жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида жойларда олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш;

— жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг ролини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган ишларни ёритиш;

— жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни кенг ва сифатли ёритиш;

— оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, аҳолини, айниқса, ёшларнинг онги ва шуурига оиланинг муқаддаслиги, оилани мустаҳкамлаш, оила қуриш ва бу борадаги бурч ва масъулиятни тизимли равишда сингдириш, уларни меҳнатда, ўқишда ва ҳаётда янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан усуллардан фойдаланиш шарт.

*Diqqat: tanlov!*



Танловга 2012 йил давомида матбуотда эълон қилинган Мустаҳкам оила йилига бағишланган мақолалар ва фотосуратлар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган мақолалар ўнтадан, фотосуратлар ўн бештадан кам бўлмаслиги керак. Фотосуратларнинг электрон нусхаси ҳам тақдим этилиши шарт.

Танловга ижодий ишлар 2012 йил 1 ноябргача қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— иш жойидан ёки Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлимидан тавсиянома;

— муаллифнинг паспорти нусхаси;

— муаллифнинг боғланиш телефонлари.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари махсус дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллик байрами арафасида топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" республика танловига, деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100 000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА.**

Телефонлар: 233-71-49; 233-68-13; 233-21-42.

Dolzarb mavzu

# ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ ДИРЕКТОРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқимизда раҳбар кадрлар ва уларга хос хусусиятларга шарқона ёндашувнинг бой тарихий-маданий анъаналари мавжуд. Бунинг исботи сифатида Абу Наср Форобий томонидан билдирилган раҳбарнинг фазилати тўғрисидаги фикрларни келтириш мумкин. Унда раҳбарнинг табиатан нозик, фаросатли бўлиб, умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши; воқеа-ҳодисаларни хотирасида тўла-тўкис сақлаб қоладиган; зеҳни ўткир ва зукко, ўз фикрини чиройли сўзлар билан ифодалайдиган, равшан тушунтира оладиган; таълим олишга, билим ва маърифатга ҳавасли бўлиб, унинг машаққатларидан қочмайдиган; ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақиқий одамларни севадиган, ёлғон ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган; ўз қадрини билувчи, ориятли; табиатан адолатпарвар ва ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши каби инсоний хислатлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳам мактабни бошқариш ишлари самарадорлигида раҳбарнинг шахсий фазилатлари муҳим ўринга эга. Дарҳақиқат, директор шахси ва унинг маънавий сифатларининг қандайлиги жамоа аъзоларининг ҳамкорликдаги инновацион фаолияти ҳамда соғлом ижодий муҳитга бевосита таъсир кўрсатишига тажрибада кўп гувоҳ бўлганмиз.

Шу ўринда қизиқ бир факт: юқорида санаб ўтилган умумий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаси раҳбарларининг соҳа мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ўзига хос шахсий хусусиятлари ҳам борлиги кузатилади. Жумладан, уларнинг мулоқотга осон киришувчанлиги, очиқлиги, ўзаро муносабатларни ўрнатишда фаоллиги, интеллектуал ривожланганлиги, ҳиссиётга берилувчанлиги, қўполликни ёқтирмаслиги, кўнгилчанлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

## МАКТАБ ДИРЕКТОРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ

Замонавий мактаб фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда таълим муассасаси барча ходимларининг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан бирдек қониқиш ҳосил қилишлари, жамоадаги тўғри меҳнат тақсимоти, ходимларда ўз вазифаларига нисбатан масъулият ҳиссининг шаклланиши, ўқув жараёнини ҳозирги замон талаблари даражасида илмий асосда ташкил этиш самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифаларини қай даражада тушуниб етиши ва амалга оширишига боғлиқ бўлади.

Таълим муассасасини бошқаришда педагогик ходимлар, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнини кузатиш ҳамда барча учун зарур ва қулай бўлган руҳий муҳитни вужудга келтириш ҳам муҳим ўринга эга. Бунинг учун раҳбар таълим муассасасидаги мавжуд муносабатлар, ўқувчиларнинг жисмоний, руҳий ва интеллектуал ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, яъни ўқитувчилар билан ўқувчилар, ота-оналар билан таълим муассасаси ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабатлардан яхши хабардор бўлиши лозим. Жараёнда юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда унга таъсир кўрсатишнинг энг мақбул йўлларини белгилаш, таълим-тарбия жараёнининг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолашда юқорида назарда тутилган бохабарлик жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда алоҳида тўхталиб ўтиш лозимки, мактаб директори таълим муассасасининг асосий мақсади бўлган таълим-тарбия ишини ташкил этиш, ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияларини тизимли ва тўғри амалга ошириши зарур. Хўш, уларнинг моҳияти нималардан иборат бўлади?

**Ахборот-таҳлил функцияси** бошқарувда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ахборотларни олиш ва таҳлил қилиш бошқарув тизимининг пойдевори ҳисобланади. Бундан кўзланган биринчи мақсад — педагогик тизимлар (педагогик жараён) тўғрисида мунтазам равишда ахборотлар тўплаб бориш, уларни чуқур ўрганиш ҳамда объектив баҳолашдан иборат. Олинган хулосалар асосида бошқарув фаолиятининг стратегияси, ривожланиш омилларини, аниқ чора-тадбирларни белгилаш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиб боришни йўлга қўйиш лозим. Шунинг учун, ахборотлар ишончли, янги ва фойдали бўлиши зарур.

**Мақсадли-мотивлаштириш функцияси**ни амалга оширишда, аввало, таълим муассасаси олдига қўйилган мақсад умумий эканлигини ҳамда мавжуд шарт-шароитлар ва вазиятларни инобатга олиш зарур. Шунингдек, вазифаларни тақсимлашда мақсадларнинг бирлигини сақлаш, топшириқларнинг бажарувчилар томонидан ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун мақсадни белгилаш жараёнига уларни ҳам жалб этиш, кутилаётган натижалар юзасидан олдиндан тушунчага эга бўлиш, топшириқлар таҳлил қилиниб уларнинг бажарилиш муддатини аниқ белгилаш зарур. Бунда мотивларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш, яъни уларнинг қайси бири бошқарув фаолиятини тўғри йўналтиришга, қайсилари самарали ҳаракатлар режасини тузишга имконият яратишини билиш ўзига хос аҳамиятга эга.

**Олдиндан кўра билиш-режалаштириш функцияси** ташкилий шакллар, усуллар, таъсир этувчи воситаларни аниқлайди, назоратнинг меъёри ва натижаларини баҳолашга хизмат қилади. Шунингдек, педагогик тизим ва унинг иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солишга имконият яратади. Демак, раҳбар томонидан таълим муассасасининг ҳолатини, эришган натижаларини, ривожланиш имкониятлари ва динамикасини аниқлаш, жамоадаги руҳий муҳит, ўзаро муносабатлар ва эҳтиёжларни ўрганиш ҳамда барча учун қулай бўлган ўзаро таъсир жараёнини вужудга келтириш стратегиясини белгилаш олдиндан кўриш-режалаштириш функциясининг асосини ташкил этади.

**Ташкилий-ижрочилик функцияси** бошқарув фаолиятининг барча йўналишларида ўз ифодасини топади. Яъни, у кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, ижрочиларнинг ўзаро таъсир этиш тизимини шакллантириш, ахборотлар тўплаш ва уларга ишлов бериш фаолиятлари билан боғлиқ бўлади. Бунинг натижасида маълум бир педагогик бошқарувга хос таркибий тизим вужудга келади. Уни самарали амалга ошириш ўзаро ишонч ва ёрдам, ҳар кимга танлаш ҳуқуқини бериш, фақат мақсадни эмас, балки унга эришиш мезонларини ҳам белгилаш, ходимларнинг шахсий имкониятлари ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун шароитлар яратиш, ташаббускорликни рағбатлантириш ва ҳар бир ходимнинг меҳнатини объектив баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, жамоада соғлом ижтимоий-психологик муҳитнинг вужудга келишида ўзига хос аҳамият касб этади.

**Назорат-ташхис функцияси**. Назорат бошқарув жараёнида амалга ошириладиган барча функциялар билан боғлиқ бўлади. Педагогик тизимни бошқариш жараёнида кўзланган йўналишдан маълум бир маънода оғишлар ҳам вужудга келиши мумкин. Айнан шундай вазиятларда йўл қўйилаётган хатоликларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларни тузатиш усулларини белгилашда назоратнинг ўрни жуда муҳим.

**Тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияси** педагогик тизимнинг ҳолатини зарурий, белгиланган даражада ушлаб туриш, уни янги сифат даражасига кўтариш ва педагогик жараёнда йўл қўйилаётган хатоликларни тузатиш ҳамда иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш учун хизмат қилади. Мазкур функция ёрдамида педагогик тизим субъектларининг фаолияти ўзаро мувофиқлаштирилади. Ўз навбатида, мувофиқлаштириш педагогик тизимнинг ҳаракатланиш йўналиши билан барча бўғинларининг ўзаро уйғунлашувида юқори даражадаги тезкорликни талаб этади.

## ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҲБАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Педагогларнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бу эътибор ва ғамхўрлик барча ўқитувчиларнинг билим, тажриба ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш йўлида ўз устида ишлаши, тинмай изланиши ҳамда ўқув жараёнини замон талаблари даражасида ташкил этишга масъулиятини янада чуқур англашига хизмат қилмоқда. Шунингдек, соҳага етук ёш мутахассисларнинг келиб қўшилишига кенг имконият яратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мактаб раҳбарлари олдига ҳам янада янги вазифалар қўяди.

Маълумки, инсон ҳар доим ўсиш ва ривожланишдадир. Шундай экан кадрлар салоҳиятини юксалтиришга таъсир этувчи омилларнинг илмий-назарий моҳиятини барча педагогик жамоа раҳбарлари тўғри тушунишлари лозим. Ҳар қандай жамоа жамиятнинг бир бўлаги сифатида унга хос бўлган барча хусусиятларни ўзида мужассам этган бўлиши лозим. Ғоявий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий-маънавий ва бошқа жабҳалар шулар жумласидандир. Мактаб раҳбари бошқарув фаолиятида қатор функцияларни бажаради: педагогик жамоанинг илмий-педагогик фаолияти мақсадларини аниқлайди ва шакллантиради, режалаштиради, рағбатлантириш воситалари ва усулларини белгилайди, ушбу жараёнларни назорат қилиб боради. Жумладан, ёш педагогнинг ўзи танлаган касбга меҳр қўйиши, ўқитувчилик касбининг сирларини мукаммал ўрганиши ва унда ўз келажагига нисбатан ишонч туйғулари ривожланишида ҳам мактаб директори катта таъсир кучига эга шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, раҳбар жамоада ўз ўрнига эга бўлиб, у билими, муомаласи, илмий дунёқараши, педагогик ходимлар билан ўзаро муносабатлар, мақсадга интилиш, ижтимоий хулқ ва бошқаларда намуна бўлиши зарур. Бундан жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзига хос таъсирланади. Раҳбар бошқарув фаолиятида ўзаро таъсирнинг икки йўналишини — педагогнинг жамоага; жамоанинг педагогга таъсирини ва бу ўзаро таъсир ҳар қандай ҳолатда ижобий бўлишини таъминлаши зарур.

Педагогнинг жамоага таъсири унинг орттирган обрўси, билими, дунёқараши, ўзи танлаган касбга қизиқиши ва қобилияти, ўз фанини пухта билиши, жамоа билан муносабати, ўз устида ишлаши, ташкилотчилик қобилияти ва ташаббускорлиги сингари кўринишларда намоён бўлади. Олайлик, обрўга эга бўлган мутахассис шахсларaро муносабатларда юқори мавқега эга бўлади, жамоада унинг фикр-мулоҳазалари қадрланади, ундан маслаҳат сўрашади. Аммо обрў орттиришда шахсий сифатларнинг ўзигина етарли бўлмай, у ёки бу мутахассис ҳақидаги жамоатчилик фикри ҳам роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам мутахассиснинг жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмай иложи йўқ, бу эса жамоанинг педагогга бўлган таъсиридир. Яъни, жамоа педагогнинг айрим саъй-ҳаракатларини рад этиши, қабул қилмаслиги ёки аксинча унга интилиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, жамоа билан мутахассиснинг ўзаро таъсири икки хил, яъни ижобий ва салбий бўлиши мумкин, бунда раҳбарнинг роли яққол намоён бўлади. Ижобий таъсирни вужудга келтиришда раҳбар педагогик жамоа ва таълим муассасасининг манфаатлари бир-бирига мос келишини истаган ҳолда, ходимларнинг муваффақияти ҳамда кайфиятлари билан қизиқиш, табассум билан муомала қилиш, ходимларга ҳурмат билан мурожаат қилиш, ҳар қандай вазиятда ҳам уларнинг шахсиятига тегмаслик, ҳар бир ходимнинг камчиликларини айтганда, албатта, унинг муваффақиятларини ҳам эътироф этиш каби энг мақбул усулларини ўз фаолиятига татбиқ этиши зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, замонавий мактабни бошқариш — мураккаб, кўп компонентли ташкилий тузилишга эга бўлиб, бунда асосий мақсадга, яъни ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг меҳнатга ва мураккаб ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга мустақил равишда тезроқ мослашишларини таъминлашга эришишда таълим муассасасидаги барча субъектларнинг саъй-ҳаракатларини шу мақсад йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиш муҳимдир.

**Собитхон ТУРҒУНОВ,**
**Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, педагогика фанлари доктори, профессор**




**Тошкент шаҳрида 20 март куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам дастури доирасида “Тиббий ускуналарни етказиб бериш” лойиҳаси бўйича Алмашув ноталари имзоланди.**

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Жумладан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлмоқда. Мазкур йўналишда Япония ҳукумати билан 1995 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ҳамкорлик доирасида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Имзоланган ҳужжатга мувофиқ, Японияда ишлаб чиқарилган тиббий ускуналарни Ўзбекистонга етказиб бериш кўзда тутилган. Ушбу грантнинг миқдори 250 миллион иенга тенг.

***

**Фарғона вилояти Учкўприк туманида “Мустаҳкам оила қўрғонлари” мавзуидаги тадбир ташкил этилди.**

Унда туманда истиқомат қилаётган ярим аср ва ундан ортиқ бирга турмуш кечириб қўша қариган ибратли, бахтли оила вакиллари таклиф этилди.

– Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни миллий урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ибратли оилалар билан таништириш мақсадида шаҳар ва туманларимизда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда, – деди “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими раиси Акрамжон Йўлбарсов. – Албатта, бу йўналишдаги ишларда маҳалла институтининг ўрни катта бўлмоқда. Таълим-тарбия ишларида “Оила-мактаб-маҳалла” концепцияси, “Ота-оналар университети” тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бошқача айтганда, оила ва маҳалла институтлари уйғун ривожлантирилмоқда.

Тадбирда ибратли оилаларнинг ҳаёт йўли, турмуш сабоқлари, намунали оилалардаги юксак инсоний муносабатлар хусусида фикр алмашилди.

***

**Андижон вилояти Олтинкўл туманида инновацион ишланмаларнинг соҳавий тақдимотларига бағишланган инновацион ишланмалар кўргазмаси ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги олий ўқув юртлари олимлари ва талабалари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, банк тизими мутахассислари иштирок этди.

Ярмаркада истиқболли ва ўзаро манфаатли шартномалар тузиш учун барча шарт-шароит яратилди. Бу ерда тадбир ташкилотчилари, банклар, суғурта компаниялари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари томонидан шартномаларни расмийлаштириш, шунингдек, янгиликларни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлар олиш бўйича барча иштирокчиларга зарур маслаҳатлар берилди.

Ярмаркада янги технологияларни сотиш ва харид қилиш бўйича жами 200 миллион сўмга яқин 40 шартнома имзоланди.

***

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, трансчегаравий сув муаммолари, экологик барқарорликни асраш борасидаги чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, трансчегаравий сув ресурсларидан халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя этган ҳолда фойдаланиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

# ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

**17-18 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида умумтаълим муассасаларидан жами 2626608 нафар (шундан 435434 нафар педагог-мураббий ва ишчи ходим, 2191174 нафар ўқувчи)киши фаол иштирок этди. Улар томонидан 3416,8 га майдонда тозалаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 2774 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари 2370та техника воситаси ёрдамида чиқариб ташланди. 1866,5 км. ариқ ва лоток тозаланиб, 1176та зиёратгоҳ ва қабристонда ободонлаштириш ва тозалаш ишлари амалга оширилди.**

## ЎЗ УЙИНИ АСРАЙДИЛАР

Тошкент шаҳридаги 30-Меҳрибонлик уйида ўтказилган хайрия ҳашарида 90 нафар тарбияланувчи ўз уйини ўзи асрашга, обод қилишга, саранжом-саришталикни сақлашга масъул эканлигини яна бир карра исботлади. Мустақил ҳаётга тайёрланаётган ўғил-қизлар белкурак, супурги олиб, дарахт тагини юмшатиш, гул экиш, супуриш-сидириш, эшик-деразаларни чанг-ғубордан тозалашга киришдилар.

— Икки кун аввал сумалак тайёрлаб, болаларга улашдик. Ўқувчиларнинг қўл меҳнати намуналари кўргазмага қўйилди. Бугун эса ҳашар: жами 11 сотих ер майдонидаги дарахт ва буталарга шакл берилиб, гуллар экилди. Ҳаво илиши билан тарбияланувчиларни Оқтошдаги дала ҳовлига олиб чиқамиз, у ерда ўтқазилган дарахтларни парвариш қиламиз. Янгитдан 50 туп арча, 35 туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Тарбияланувчиларимиз меҳнат ортидан роҳат келишини ҳис қилиб улғайишмоқда, — деди Меҳрибонлик уйи директори ўринбосари Феруза Усмонхўжаева.

**Ҳ.КУЗМЕТОВА**

## БОҒ ПАРВАРИШИ — 1-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА

Атҳамбек Шарипов Жиззах шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг 1-синфида ўқийди. Наврўз шарафига ўтказилган умумхалқ ҳашарида илк бор иштирок этиши. Қувончли томони шундаки, шу куни мактабда ташкил этилган ёшлар боғида акалари ва опалари билан биргаликда кўчат ўтқазишда қатнашди. 9-синф ўқувчилари мактаб боғи парваришини эстафета сифатида 1-синф ўқувчиларига топширдилар. Бундан Атҳамбек ва унинг тенгдошлари беҳад мамнун. Эндиликда улар мактаб ҳудудидаги ниҳолларни парваришлаш, уларга ишлов беришда шахсий намуна кўрсатадилар. Шу куни мактабда 880 нафар ўқувчи умумхалқ ҳашарида қатнашиб, ўқитувчилар раҳбарлигида яхши ният билан мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқаздилар.

**Абдусаттор СОДИҚОВ**
Жиззах вилояти

## БОБО ҚУЁШНИ ҲАМ МАФТУН ЭТГАН ТАДБИР

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 206-умумтаълим мактабида бу йилги ҳашар ноанъанавий тарзда бўлиб ўтди. Ҳашар бошланиши олдидан мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари томонидан «Кўркини йўқотмаган анъаналар» деб номланган саҳналаштирилган дастур намойиш этилди. Бошланғич таълим ўқитувчиси Эъзоза Салайдинова раҳбарлигида ташкил этилган ушбу тадбир умрбоқий ва ҳикматларга бой ҳашарга бағишлангани билан эътиборлидир. Байрам тадбирига ташриф буюрган Деҳқонбобо биринчи дарахт кўчатини ўтқазиб берар экан, барчани умумхалқ ҳашарига чорлади. Шундан сўнг куй-садолар остида ободончилик, кўчат ўтқазиш, синфхоналару мактаб атрофидаги кўчаларни тозалаш ишлари бошланиб кетди. Жажжи болажонлар тилидан айтилган ҳашарнинг юртимиз ободлиги ҳамда кишилар ўртасидаги меҳр ришталарини мустаҳкамлашдаги ўрни ҳақидаги даъват уларнинг ака-опалари бўлган юқори синф ўқувчиларига ҳам ўзгача иштиёқ бағишлади. Ўша куни бобоқуёш ҳам дилни-дилга пайванд этувчи бу ҳашарни «кулиб турганча» кузатди.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ**



*Пойтахтимиздаги 235-мактаб ўқувчилари умумхалқ хайрия ҳашарида.*

## ЧИРОҚЧИДА МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Чироқчи туманидаги барча корхона ва ташкилотлар қатори халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги ўқув муассасаларида ҳам хайрия ҳашари юқори савияда ўтказилди. 65060 нафар ўқитувчи ва ўқувчи иштирок этган ҳашарда 298 гектар ер ободонлаштирилди. 9531 дона мевали, 7400 дона манзарали, 1780 дона тут ва 19941 дона ҳар хил гул кўчатлари экилди. Хайрия тадбирида 43та техника воситасидан фойдаланилди. 216та эҳтиёжманд оила ҳолидан хабар олиниб, уларга тегишли миқдорда мурувват ёрдами кўрсатилгани ўша кунги савоб ишлардан бўлди.

**Ўктам МЕЙЛИЕВ**
Қашқадарё вилояти

## ПЕДАГОГЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТИШДИ

Наврўз айёмига тайёргарлик кўриш — кўчалар, ариқ ҳамда зовурларни тозалаш, гул ва дарахт кўчатларини ўтқазиш, далага чигит қадаш, экин экиш каби юмушлардан бошланади. Бухоро вилояти халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 235 мингдан ортиқ педагог ва ишчи ходимлар ҳашарда 333 гектарга яқин таълим муассасалари ҳудудларини тозалади. Ҳашар йўли билан 205 километр ариқ ва лоток ҳам тозаланганини алоҳида эътироф этиш жоиз. 19та зиёратгоҳ ва қабристонни обод қилишда мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам жонбозлик кўрсатишди. 130 минг туп дарахт оқланиб, 60та уй-жой ҳашар йўли билан таъмирланди. 70 мингга яқин манзарали ва 90 мингдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Вилоят бўйича 300дан ортиқ кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга 35 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

**Сора ТОШЕВА**
Бухоро вилояти

## ЯПАҒИДА БАҲОР НАФАСИ

Япағи қишлоғи Фарғона вилоятининг энг чекка ҳудудларидан бири — Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудида жойлашган. Фарғона туманида жойлашган бу мўъжаз қишлоқдаги мавжуд 150 дан ортиқ хонадонда минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Икки қўшни давлат ўртасида чегара ҳисобланган катта магистрал йўлнинг шундоқ ёқасида жойлашган 46-умумтаълим мактабида 132 нафар қирғиз миллатига мансуб ўқувчи таълим олмоқда.

— Бугунги ҳашарда мактабнинг кириш йўлаклари оқланди, ҳовли супурилиб, тартибга келтирилди, чопилди, — деди мактаб раҳбари Тўйжон Қурбонова. — Барча синф хоналарининг ойналари, поллари артилиб, тозаланди, мактаб ҳудудида жойлашган 300 туп мевали дарахтга шакл берилди, оқланди, 40 туп мевали, 30 туп манзарали ва 100 туп терак ниҳоли ўтқазилди. Мактаб ҳовлисига 200 туп гул кўчати ўтқазиш учун жой тайёрладик.

Мактаб ўқувчилари қишлоқдаги ёлғиз қариялардан бўлган Иззат ва Асал момолар хонадонида бўлишиб, уларнинг аҳволидан хабар олдилар, уй юмушларига қарашдилар, томорқаларида чопиш ва экиш ишларини бажардилар.

Худди шундай тадбирлар вилоятдаги барча таълим муассасаларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ**
Фарғона вилояти

# ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАЁТГАН ЁШЛАР

## улар тимсолида мамлакатимизнинг порлоқ истиқболини кўрамиз

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳар бир ишнинг ёруғ истиқболи — кўнгилли якуни унинг қай тарзда бошланишига боғлиқ. Шу маънода айтсак, ёшларимизнинг соғ-саломат ҳамда баркамол бўлиб улғайиши улар орасида ўзаро дўстлик ришталарининг шаклланиши, ҳеч кимдан кам бўлмай, жаҳон айвонида муносиб ўрин эгаллашида "Умид ниҳоллари" дастлабки жиддий одимдир.

Чунончи, Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур спорт мусобақалари иштирокчиларига йўллаган табрикларидан бирида айтган қуйидаги сўзлари спорт мусобақаларининг яхлит моҳиятини англатади: "Ишончим комилки, қизғин беллашувлар, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган, фарзандларимизнинг иродасини янада тоблашга, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу спорт ўйинлари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолади".

Маълумки, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига дастлаб Фарғона шаҳри 2002 йилда мезбонлик қилган бўлса, навбатдагиси 2003 йили Хоразм вилояти Урганч шаҳрида кечди. 2006 йил Қаршида ва 2009 йил Гулистон шаҳрида минглаб иқтидорли спортчи-ўқувчилар ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказишди.

Инсоннинг болаликдан то камолот ёшига етгунига қадар муддатни ўз ичига олган уч босқичли спорт мусобақалари тизимини шакллантириш ва жисмоний тарбияни аҳоли орасида жуда катта ҳаракат сифатида кенг тарғиб этиш орқали диёримизда саломатлик калити — спортга бўлган қизиқиш, иштиёқ сезиларли даражада ошиб борди.

Ортда қолган ўн йил давомида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоятларимизда, чекка қишлоқларда ўнлаб спорт иншоотлари қад ростлади, мавжудлари таъмирланди. Айниқса, уч босқичли спорт мусобақалари тизимини жорий қилиш туфайли бунёдкорлик ишлари суръати жадал ўсди. Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз учун муҳайё қилинган шарт-шароитлар, замон талабларига мос намунавий лойиҳа асосида қурилиб (ёки реконструкция қилиниб), керакли спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминланган спорт объектлари Ўзбекистон том маънода Осиёнинг навқирон спорт мамлакатига айланаётганидан далолат беради, албатта.

Табиийки, "Умид ниҳоллари" сингари йирик тадбирлардан кўзда тутилган мақсадлар фақат ғолибларни аниқлаб, рағбатлантириш ёки мезбон вилоятнинг таъмирталаб спорт иншоотларини бутлаб, улардаги инфратузилмани мустаҳкамлаб бериш, кўчаю маҳаллаларини обод қилишдан иборат эмас. Энг аввало, аҳоли онгига спорт ҳаётнинг нечоғлик муҳим, ажралмас бўлаги эканини сингдиришдир. Бундай муҳташам спорт иншоотлари кимгадир мақтаниш ёки атрофга кўз-кўз этиш эмас, балки шу Ватан эртаси бўлган ёш авлоднинг комил бўлиб улғайишига хизмат қилиши учун қад ростлаётганини халқимиз, хусусан, ота-оналар шуурига етказишда уч босқичли спорт мусобақаларининг аҳамияти бекиёсдир.

Спортнинг асосий моҳияти — доимий ҳаракат. Ҳаракат эса узлуксиз ривожланиш, тараққий этишни талаб этади. Ҳаракатдан бир лаҳза тўхташ қандай оқибатларга олиб келишини спортчилар жуда яхши билишади. Ана шундай тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш спортчининг бевосита маънавиятига, дунёқараши, иродаси, сабру матонатига ижобий таъсир этади. У мусобақалар баҳонасида аввал вилоятларимиздаги ҳамюртлари билан танишса, сўнгра халқаро майдонларда курашга чоғланиб, дунё кўради, турли маданиятли халқ вакиллари билан танишади. Қолаверса, қитъа, жаҳон миқёсидаги чемпионатларда, олимпиадаларда зафар қучиб, Ўзбекистон деган юксак салоҳиятли ёшлар юртини дунёга танитади, янада машҳур қилади.

Шундай экан, спорт билан мунтазам ошно бўлиш жисмоний ёки маънавий эҳтиёжгина эмас, балки бугунги шиддаткор давримизнинг қатъий талаби, десак янглишмаган бўламиз. Бу борада диёримизда уч босқичли спорт мусобақалари тизими, жумладан, "Умид ниҳоллари"ни ўтказиш аллақачон анъанага айланганини мустақил мамлакатимизни тараққиёт сари элтадиган йўл ғоятда тўғри танланганлигини ифода этувчи бир дебоча сифатида намоён бўлмоқда.

***

Хабарингиз бор, бу йилги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасига Навоий шаҳри мезбонлик қилади. Шу боис ушбу вилоятга ижодий сафар уюштирдик. Навоийликлар улкан спорт байрамига муносиб тайёргарлик кўрмоқда. Айни вақтда Навоий шаҳрига йўли тушган одам чиндан ҳам жуда катта кўламда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилаётганига гувоҳ бўлади.

Бу ўринда Навоий шаҳрида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш юмушларига жиддий эътибор берилаётганини таъкидлаш мумкин. Чунончи, Навоий спорт коллежининг ёш биология фани ўқитувчиси Нафиса Ёдгорова ва унинг турмуш ўртоғи Ботир Болиев ҳам ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлишган. Намунавий лойиҳа асосида қурилган кўпқаватли турар жой бинолари қад кўтарган янги "Меъморлар" маҳалласининг Таробий кўчасидаги 125-хонадонда бу икки ёш бахтли ҳаёт кечирмоқда. Оилани мустаҳкамловчи икки нафар фарзанди: қизи ва ўғли — уларнинг қувончи.

— Шаҳримиз аҳолиси бу йил баҳорни ҳар қачонгидан ҳам ўзгача кайфиятда кутиб олишмоқда, — деди ёш педагог Н.Ёдгорова. — Бунинг сабаби аён: Навоийда "Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақалари ўтказилиши арафасида ажойиб қурилишлар бўлмоқда. Бу иншоотларнинг аксарияти биз яшаётган "Меъморлар" маҳалласи яқинида тикланаётгани шодлигимизга шодлик қўшмоқда. Чунки эртага болаларимизнинг саломатлик гарови бўлган жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиши учун ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Бугун қурилаётган "Спорт шаҳарчаси" болаларимизнинг энг севимли масканига айланиши тайин.




Вилоятдаги 2та олий ўқув юрти (Навоий давлат педагогика институти ҳамда Навоий давлат кончилик институти)да 10 783 талабага 14 нафар фан доктори, 130 нафар фан номзоди ва малакали ўқитувчилар таълим бермоқда. Ана шундай жонкуяр ўқитувчилардан бири Навоий давлат педагогика институти спорт клуби раиси Собитжон Бобомуродов шогирдлари билан дўстона муносабат ўрнатган ҳолда, уларга ўз билим ва тажрибасини ўргатиб келмоқда.

— Болалигимда футболчи бўлишга аҳд қилгандим, — деди С.Бобомуродов. — Бироқ бундан йигирма йил олдинги шароит, имкониятлар орзуимнинг тўла амалга ошиши учун камлик қилганди. Шукурки, истиқлол туфайли бугун Навоийда ҳам пойтахтдагидан қолишмайдиган спорт объектлари қурилмоқда. У ерда фарзандларимиз ўзлари ёқтирган спорт тури бўйича малакали устозлардан сабоқ олишмоқда, халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб қайтишмоқда. Бу эса мен каби минглаб навоийлик устоз ва мураббийларни фахрлантиради, албатта.

— Ҳозирги кунда вилоятда болалар спортини ривожлантиришга улкан эътибор берилиб, етарлича ғамхўрлик қилинмоқда, — деди "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят бўлими мутахассиси Ғайрат Амонов. — Бунинг тасдиғини вилоятдаги 24та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаётган жами 19,1 минг нафардан зиёд ўқувчи, спорт секцияларига қатнаётган 65 мингга яқин ёшларга яратиб берилган шароитлар мисолида кўриш мумкин. Навоий шаҳридаги марказий стадиондан ташқари, туманларда 13та стадион, 14та сузиш ҳавзаси, 279та спорт зали, 1433та спорт майдончаси, 18та теннис корти мавжуд. Жойларда устоз-мураббийлардан билим олаётган иқтидорли шогирдлар кураш, волейбол, теннис, бокс, сузиш, бадиий гимнастика, оғир атлетика, армрестлинг, пауэр-лифтинг билан шуғулланмоқда.

2011 йил 1 декабрда Навоий шаҳри аҳолиси, айниқса, навқирон авлод вакиллари ҳаётида унутилмас воқеа юз берди: янги, муҳташам, барча қулайликларга эга бўлган "Ёшлар саройи" қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Навоий шаҳридаги бугунги "Умид ниҳоллари—2012" спорт мусобақалари муносабати билан кечаётган жўшқин бунёдкорлик жараёнини бевосита кузата туриб, қурувчиларга ёрдамлашиш учун кўнгилли бўлиб ҳашарга келганларнинг юзу кўзида, сўзларида бугун ва келажак учун дахлдор шундай улкан ўзгаришларга ўз улушини қўшаётганидан беҳад мамнунлик, шодлик ифодаларини сезиш қийин эмасди.

Янги қурилаётган "Марказий ўйингоҳ" атрофидаги каттагина ҳудуднинг дарахт кўчатлари ўтқазиш учун ажратилган қисмида ниҳоллар учун мароқ билан ер юмшатаётган Ҳасан ва Ҳусан Фармоновлар Навоий тиббиёт коллежининг 1-курсида таҳсил олади. Улар ҳам дўстлари қатори ҳашарга чиқишибди.

— Тўғрисини айтсам, шаҳримизда қад ростлаётган бу иншоотларнинг тезроқ қуриб битказилишини ҳаяжон билан кутаяпмиз, — деди Ҳасан Фармонов. — Шунинг учун ҳам қўл қовуштирганча бир чеккада кузатиб турмай, қурувчи ва боғбон акаларимизга кўмаклашаяпмиз.

Навоий шаҳридаги "Истиқбол" маҳалласида яшовчи 75 ёшни қаршилаган Ҳиммат бобо Маматов ҳам набиралари учун яратилаётган янги спорт объектларини томоша қилиш, у ердаги юзлаб бинокору ҳашарчиларга куч-қувват тилаш учун келган экан.



(Давоми 15-бетда.)

# «БИЗ «ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»ДА ИШЛАЙМИЗ»

## *Қарши саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари бу гапни ишонч билан айтишмоқда*

**Одамлар орасида «Шу коллежда ўқиган болаларга доим иш топилади», деган гап юради. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Ҳақиқатан ҳам, коллеж йирик корхоналар билан шартномалар имзолаган, бундан ташқари, таълим муассасасида етук мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Яхши мутахассисга эса доим иш тайин.**

Яқинда коллежни «Нефть ва газга кимёвий ишлов бериш ва қайта ишлаш технологияси» мутахассислиги бўйича битирган Даврон Ҳасанов, Камол Мирзаев, Фурқат Равшанов, Аббос Турсунов, Аббос Дониев, Сухроб Зиёдов, Шахбоз Исмоилов, Сардоржон Тўхтақулов каби 27 нафар ёш мутахассис «Шўртан газ-кимё мажмуаси» унитар шўъба корхонасига ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. Улар амалиётни шу гигант корхонада ўташ чоғидаёқ жамоа эътирофига сазовор бўлган эди. Лекин мажмуага ишга қабул қилинишдан олдин бир қатор «чиғириқ»лардан ўтишди: натижада заводнинг ҳақиқий мутахассисларига айланишди.

Мажмуа ва коллеж ўртасида 2011 йилнинг 22 мартида «2011—2015 йилларда мутахассислар тайёрлаб бериш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома имзоланган эди. Унга кўра, 2011 йили 113 нафар ўқувчи амалиёт ўтаган бўлса, жорий йилда 116 нафар ўқувчи назарий билимларини мажмуада амалиётга уйғун тарзда ошириши кўзда тутилган. Кейинги йилларда амалиёт ўтовчи ўқувчилар сони ошиб боради. Шу билан бирга, «Қашқадарё электр тармоқлари» корхонаси, 8-шаҳарлараро техник магистрал алоқа техник бошқармаси, «Қарши таъмирлаш заводи» МЧЖ, «Сувоқова» бошқармаси, «Вилкоопкуртаъминот» МЧЖ, «Қашқадарё пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамияти каби корхоналар билан 2011—2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик шартномалари тузилган. Демак, ҳар бир коллеж ўқувчиси ўзи танлаган йўналиш бўйича аниқ режа асосида амалиётга боради ва келгусида иш ўрнига эга бўлади.

Коллеж битирувчиларининг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топяпти. Бунинг асосий омилларидан яна бирини таълим муассасасида мутахассислик пухта ўргатилаётгани, коллеж зарур жиҳозлар билан таъминлангани ва ўқитувчиларнинг тажрибали ҳамда малакали экани билан изоҳласак тўғри бўлади. 1441 нафар ўқувчи 49 гуруҳга бўлинган ҳолда илм ва ҳунар ўрганаётган бўлса, уларга 87 нафар ўқитувчи сабоқ бермоқда. Осиё тараққиёт банки кредит лойиҳаси асосида коллеждаги 1та кимё, 1та физика, 1та биология, 1та астрономия ва 1та география ўқув-лаборатория хоналари 67 миллион сўмлик замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Бундан ташқари, ўқув устахонасига салкам 14 миллион сўмлик замонавий токарлик ҳамда чилангарлик дастгоҳлари ўрнатилган. 194374126,6 сўмлик назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика мутахассислиги жиҳозлар келтирилган ва ўқув жараёнларида улардан самарали фойдаланилмоқда. Коллеждаги 2та компьютер синфи 25та замонавий компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Коллежнинг маънавият ва маърифат хонаси ҳамда ахборот-ресурс маркази интернет тармоғига уланган. Ёшлар «ZiyoNET» тармоғидан унумли фойдаланишмоқда.

*Jarayon*

— Коллежимиз «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимидаги нефт, газ ва кимё саноати корхоналарига кичик мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган, — деди таълим муассасаси директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Акрам Қиёмов. — Шу боис вилоятимиздаги йирик нефть ва газ корхоналари — «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонаси, «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси, Косон нефть ва газ қудуқларини синаш очиқ акциядорлик жамияти, Қарши механика таъмирлаш заводи каби 58та корхона билан ҳамкорлик шартномаси имзолаганмиз. Ўтган йили коллежимизни 7та йўналиш бўйича 481 нафар ўқувчи битириб чиққан бўлса, уларнинг 231 нафари ўз соҳаси бўйича, 164 нафари соҳага яқин ва 75 нафари бошқа корхоналарга ишга жойлаштирилди. 11 нафар битирувчимиз олий ўқув юртига ўқишга кирди. «Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш техниги» йўналиши бўйича коллежимизни 110 нафар йигит-қиз битириб чиқди ва уларнинг 16 нафари «Қашқадарё пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамиятига ишга жойлашди. Рустам Сатторов, Илёс Саидов, Шамсиддин Маъмуров, Шерзод Камолов, Жасур Муродов, Шуҳрат Жумаев ва Жамшид Очилов каби ўқувчилар амалиёт ўташ чоғидаёқ яхши мутахассис сифатида танилиб қолишган эди. Улар давлат имтиҳони ва битирув-малакавий ишларини «Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш» йўналиши бўйича «Қашқадарё пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамияти геотехнологи В.Жуманов раислигидаги комиссия олдида ҳимоя қилишди. Корхона мутахассиси ўзлари учун зарур кадрни билими, салоҳиятини чуқур текширувдан ўтказди. Энг муҳими, бу ўзаро ҳамкорлик иккала томон учун ҳам манфаатли бўлмоқда. Корхона учун яхши кадрни танлаш имконияти яратилган бўлса, коллеж учун бўлажак мутахассислар салоҳиятини юксалтиришига хизмат қилмоқда.

— Мустақиллик иншооти бўлмиш «Шўртан газ-кимё мажмуаси» унитар шўъба корхонасига амалиётга борганимда, бундай катта корхонани кўриб ҳайратландим, — деди коллежнинг нефть ва газга кимёвий ишлов бериш ва қайта ишлаш йўналиши 3-босқич ўқувчиси Дониёр Тўлаев. — Амалиёт жараёни эса янада қизиқарли ва мароқли ўтди. Замонавий ва мураккаб дастгоҳларни мустақил бошқардик. Корхона мутахассиси Учқун Муродов бизга устозлик қилди. Коллежда яхши ўқиганим ва касбий кўникма ҳосил қилганим туфайли улар менинг фаолиятимга юқори баҳо беришди. Завод раҳбарлари биз каби ёш мутахассисларга эҳтиёж борлигини айтиб, мени ишга таклиф этишди. Англаганим шу бўлдики, танлаган касбга астойдил меҳр қўйган, унинг сир-асрорларини пухта эгаллашга интилган ёшлар учун бу корхона эшиклари очиқ экан. Коллежни муваффақиятли тугаллаб, мажмуанинг этилен цехида фаолиятимни бошламоқчиман.

Яна бир эътиборли жиҳат: коллеж, битирувчи, ота-она ва корхона вакиллари ўртасида доимий мулоқот йўлга қўйилган бўлиб, иш ўринларини аниқлаш, ишга жойлаштириш ва ёш мутахассис фаолиятини назорат қилиб бориш ва унга керак пайтда кўмак бериш мақсадида аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда. Бундай фойдали ҳамкорлик яхши самара беряпти. Ёш мутахассисда ўз касбига меҳр, келажагига ишонч ҳисси ортмоқда.

**Ўктам МЕЙЛИЕВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# БУНИ УДДАЛАЙ ОЛАСИЗ

*Sinab ko'ring*

Бир неча йил паррандачилик хўжалигида ишлаганим, парранда жўжаларини етиштириш технологияси билан анча танишлигим кейинчалик педагогик фаолиятимга катта ёрдам берди. Чунки ҳеч бир ўқувчи йўқки, жўжа боқишга қизиқмасин. Айниқса, шу жўжани ўзи очирса, яна ҳам яхши.

Албатта, бу ерда жуда мураккаб технологияларни айтиб ўтирмаймиз. Энг аввало тухум очириш тарихи ҳақида қисқача сўзлаб ўтиш жоиз.

Тухумни сунъий равишда очириш технологияси ҳақидаги қайдлар юнонистонлик Геродот, римлик Диодор асарларида учрайди. Қадимги Миср ва Хитойда ҳам ғиштдан тайёрланган икки қаватли ўчоқларда қўйилган тухумлардан жўжа очирилган. Бунда пастки қисмда ўт ёқилган, юқорисига эса тухум қўйилган ва маълум бир ҳароратда ушлаш учун 37° - 40° Сда эрийдиган мойдан термометр ўрнида фойдаланилган.

Европада Жиованни Порто яратган дастлабки инкубатор 1580 йили инквизиция суди томонидан ёқиб ташланган. Ҳозирги кунда ҳарорат ва намликни ўта аниқ ўлчайдиган асбоблар пайдо бўлгач, 60000 тагача тухум бир мартада очиб чиқадиган инкубаторлар бор.

Биз эса ўқувчи ўзи ясаб фойдаланиши мумкин бўлган инкубатор лойиҳасини айтиб ўтамиз. Бунинг учун каттагина фанердан ясалган, ўлчамлари 40x40x30 см. қути, 30x30 см. қаттиқ симтўр, узунлиги 1 метрли 6 мм. йўғонликдаги сим, баландлиги 10 см.дан камроқ пластмасса идиш, 1 дона хона термометри (тиббий термометр бўлса яна ҳам яхши), 1 дона 100 ваттли электр лампаси (улагичи билан) оламиз. Булардан хонаки инкубатор ясашни бошлаймиз. Биринчи қиладиган ишимиз қутининг икки ёнидан иккита тешик очамиз. Сўнгра 1 метрли 6 мм.ли қалинликдаги симни букамиз.

Бу симга симтўрни қотирамиз. Сим симтўр марказидан ўтиши шарт. Сўнгра симтўр



атрофларини 4 см. баландликда қайириб чиқамиз. Бунда қуйидаги кўриниш вужудга келади:



Энди қути ичига пластмасса идиш қўйиб, озгина сув қуямиз. Қути ён деворига термометрни ўрнатамиз, симтўрни туширамиз.



Симтўр устига инкубация қилинадиган тухумларни терамиз. Тухумларнинг учли қисми пастга қаратилиши ва силкиниб кетмаслиги учун симтўр деворларига ҳар хил ўлчамдаги қоғозлар билан маҳкамланиши зарур. Шундан сўнг инкубаторимиз иш жараёнига тайёр бўлади ва лампочкани ёқамиз.

Энди тухумларнинг очиб чиқишини парранда турига қараб аниқлаб олишимиз ва керакли ҳароратни сақлашимизни таъминлаш қолади, холос.

Ушбу қўлбола инкубаторга 40 донагача тухум қўйилади. Товуқ тухуми 21 кун (512 соат), ўрдак ва курка тухуми 27 кун, ғоз тухуми 29 кунда очиб чиқади.

Бунинг учун ҳарорат инкубация даврининг сўнгги уч кунигача +37,6° С, сўнгги уч кунда эса +37.2°С да ушланади. Қути остидаги идишга сув солиб турилиши намликнинг 60 фоиз бўлишини таъминлайди.

Тухумлар ҳар куни 8—10 маротаба бир хил вақт оралиғида буриб турилиши шарт.

Масалан: эрталаб соат 8⁰⁰да тухум солинган симтўр ҳолати 1-расмдагидек кўринишда бўлса, соат 10⁰⁰да 2-расм кўринишда бураб қўйилади.

Бу иш жуда секинлик билан бажарилиши зарур. Ҳароратни ҳам кескин ошириб ёки тушириб юбориш ярамайди. Агар ҳарорат ошиб кетса жўжа эртароқ, яъни 18 суткада, ҳарорат паст бўлса 22-23 суткада тухумни ёриб чиқади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам жўжаларнинг яшовчанлиги пасаяди. Шу сабаб агар ҳарорат нормадан ошса, лампочка ўчириб қўйилади. Агар лампочка ўчиб қолса, у ҳолда қути ичига иссиқ сувли медицина иситгичи (грелка) қўйиб, ҳарорат ушланиши мақсадга мувофиқ бўлади.



1-расм



2-расм

Ниҳоят, улар очиб чиқса, ҳар бир бола учун энг катта қувончдир. Ушбу тавсияни тайёрлашда ўзим ва баъзи ҳаваскор паррандабоқарларнинг шахсий тажрибаларидан фойдаландим.

**Саид ХЎЖАЕВ,**
**СамДЧТИ қошидаги**
**2-академик лицейнинг**
**биология фани ўқитувчиси**

# ТОТУВЛИК, МЕҲР-МУҲАББАТ БАЙРАМИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Халқимизнинг кўҳна тасаввурларига кўра, қиш(куз — қиш) ва ёз(кўклам — ёз)ни бир-бирига посонги, доимий ўрин алмашиниб турувчи қутблар сифатида қаралган. Ҳар бир томоннинг ички бўлинмалари, кириш — чиқиш муддатлари аниқ белгиланган. Бу ўринда фақат қуёш эмас, балки ой, юлдузларнинг самодаги ҳаракати, ер юзида яшаётган одамларга кўриниши ҳам асос сифатида олинган. Хусусан, ойнинг тўлишиб, ботиши ва муайян бир юлдузлар билан ўзаро муносабатига қараб қамарий тақвим тузилган. Бу ўринда халқимиз орасида қадимдан амал қилиб келинган Қамбар ва Ҳулкар туркум юлдузлари ва уларнинг ойга дуч келиши билан аниқланувчи тўғал ҳисоби алоҳида ажралиб туради. Қамбар Наврўз кириши билан кўк тоқида пайдо бўлиб, қиш мавсуми етганда ўрнини Ҳулкар юлдузига берган. Халқ ўртасида айтилувчи "Ҳулкар ойининг бари қиш" мақоли бежиз тўқилмаган. Айтадиларки, Қамбар билан Ҳулкар ер атрофида шундай айланадики, бири иккинчисини ҳеч қачон кўрмайди. Шунинг учун ҳам Ҳулкарнинг чиқиши қишни, Қамбарнинг чиқиши ёзнинг белгисини берган. Йил давомида ой билан Қамбар муносабати қамбар-тўғал тақвимига, Ҳулкар билан ойнинг муносабати ҳулкар-тўғал тақвимига асос сифатида олинган. Ой ва ушбу юлдуз туркуми тўқнашуви қандай юз беришига қараб чорвадорлар, деҳқонлар ўзларининг мавсумий юмушларини режалаштириб, қайси муддатда экин экиш керак ёки чорва тўли-(қўзилаш мавсуми) қачон олиниши лозим ёки қайси вақтда чорвани яйловга чиқарган маъқул, ҳосилни йиғиб олиш муддати қайси пайтда амалга оширилгани ўринли, деган долзарб масалаларни табиатдаги мана шу ишораларга қараб белгилашган.

Ҳулкар ва Қамбар юлдузлари билан боғлиқ туркум нақл, афсоналар мағзида аждодларимизнинг астрономик кузатишлари ва турмушга татбиқ этишга оид билим, тажрибалари тимсолий ифода этилган. Айтадиларки, бир пайтлар Ҳулкар билан Қамбар бир-бирларини яхши кўрган экан. Ҳулкар — қиз, Қамбар — йигит экан. Уларнинг ўртасига Етти қароқчи(юлдуз) тушиб, Ҳулкарнинг бир юлдузини ўғирлаб олиб, Қамбар билан Ҳулкарнинг орасига совуқлик солибди. Булар ажралиб, юз кўрмас бўлиб кетишибди. То қиёматгача Ҳулкар билан Қамбар бир-бирларини кўрмас эканлар. Етти қароқчининг ёнида турадиган юлдузча ўша — Ҳулкардан ўғирлаб олган юлдуз дейилади. Охир қиёматда, яъни космик тартиб издан чиқиб, борлиқ хаосга эврилиб, самодаги тартибот бузилиб, улкан олам миқёсида ҳалокат юз берганда, Ҳулкар билан Қамбар бир-бири билан кўришади. Шунда кўкдан икки тарози юлдузлари — пой тарози, қўл тарози ерга тушиб, одамларнинг гуноҳ-савоблари ўлчаниб, ҳақ, ноҳақ ажрим бўлади, дейишади. Бу ой тақвими билан боғлиқ тимсолий нақл. Бундай олиб қаралганда, ушбу нақл ва афсоналар замирида қадим аждодларимизнинг ибтидо ва интиҳо, бугун ва эрта, фасл ҳамда мавсум билан боғлиқ тасаввурлар системаси, тажриба, билимлари акс этган. Яна ривоят қиладиларки, Ҳулкар юлдузи ернинг остига кириб кетганидан кейин, у жойда қанча кун турса, ҳайвонларга шунчалик яхши бўлар экан. Ана шундай кунларнинг бирида туя, от, сигир, эшак, қўй, эчки ўзаро келишиб, Ҳулкарни ер тагидан чиқармасликка аҳд қилишибди. Навбат билан Ҳулкар чиқадиган ерни беркитиб пойлаб турадиган бўлишибди. Эчкига пойлоқчилик етганида, унинг тоқати тоқ бўлиб, бу қачон чиқади, бир ўтлаб келай, деб ўйинга берилиб, Ҳулкарни унутибди. Бир пайт келиб қараса, Ҳулкарнинг боши кўриниб, чиқиб келаётганмиш. Эчки шошиб туёғини туйнукка босибди. Ҳулкар унинг туёқларини тешиб осмонга учиб кетган экан. Агар эчки вақтида олдини олганида, Ҳулкар ер остида қолиб, ҳамиша ёз бўлар экан.

Нима учун эчки? Нақлда от, туя ёки бошқа ҳайвон эмас, нега айнан эчки Ҳулкарни қўйиб юборди? Аслини олганда, эчки ёки улоқ бизда ёз(кўклам) тимсоли ҳисобланади. Халқнинг тасаввурлар силсиласида турувчи маросимлар, жумладан, фольклорда ҳам ҳар бир нарсанинг ўз тимсоли бор. Масалан, кўкламнинг зооморфик тимсоли сифатида эчки олинган. Қишнинг зооморфик тимсоли эса бўри ҳисобланади. Маросим ва фольклорда иккаласи бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Маросим ва маросимий ўйинларда ҳар иккисининг ҳам ўз ўрни бор. Масалан, эчкини олиб қарайлик. Эчки қайси мавсумий маросимда муҳим детал сифатида келган? Эчки образи фақат биздагина эмас, дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд. Эчкини қадимги римликлар, герман халқлари ҳам кўклам келганда қурбонлик қилиб, олма гулининг шохи билан биргаликда кўклам маросимининг асосий тимсоли сифатида алоҳида эъзозлашган. Қадимги римликларнинг Оғоч Диана шарофатига ўтказилган байрам(маросим)ида ҳам шундай. Бизда ҳам қадим-қадимда эчки кўклам тимсоли сифатида қаралиб, кўклам маросимида ёш улоқни қурбонлик қилиш урф бўлган. Худди Оғоч Дианадек, бизда кўкламнинг аёл тимсоли сифатида Ал деган образ бор эди. Бу тасаввур изларини халқ қўшиқларида ҳам учратамиз. Болалар кўкка булут чиқиб, ёмғир ёғиши пайсалга солган вақтлари айтадиган қўшиқ бўлган:

*Ёмғир ёғалоқ,*
*Эчки чақалоқ,*
*Бойнинг қизининг*
*Қорни юмалоқ...*

Ёмғир ёғалоқ дегани — ёмғир ёғмоқчи эди. Эчки чақалоқ дегани — ҳали эрта кўклам, эрта кўклам бўлгани билан ёмғир негадир кечикаяпти, бойнинг қизи — ҳайдалган ер эса бўлажак ҳосилга ҳомиладор. Уруғ тушган ердан майса униб чиқиши учун ёмғир керак, деб қуйлашмоқда. Бу қўшиқ кечикаётган ёмғирни чақириш учун айтилмоқда.

Энди бу эчкининг муқобилидаги қиш тимсоли нима бўлган?

Қишнинг тимсоли бўри деб айтиб ўтдик. Бизда кўпкари деган ўйин бор. Мана шу ўйинда бўрилар — кўпкаритоз йигитлар улоқни тортишади. К.С.Толстов туркманларнинг «Кўк бўри» маросимий ўйини билан кўпкарини бир системада баҳолайди. Қозоқларда «Қизқувди» деган ўйин ҳам моҳиятан «Кўк бўри»га уйғун келади. «Кўк бўри» билан «Қизқувди» ўйинининг илдизи битта бўлган. Яъни қиз йигитга турмушга чиқмоқчи бўлса, улоқни опичлаб отда қочган. Йигит унинг изидан қувлаб бориб, улоқни тортиб олиши шарт бўлган. Ўшанда қиз йигитга турмушга чиққан. Халқ дунёқарашига кўра, табиатдаги қутблар: кун — тун, ўнг — чап, совуқ — иссиқ, ёз—қиш, йигит (эр) — қиз(аёл), яхши—ёмон, эзгулик — ёвузликнинг ўзаро кураши ва бирлиги ҳаётнинг давомийлигини таъминлаган. Қиш ва кўклам (яъни ёз)нинг ўзаро курашини акс эттирган кўпкари маросимий ўйинида бир қутб иккинчисининг устидан муайян муддат ғолиб чиқиб, ўзининг ҳукмини юритишни ифодалаган. Маросимда улоқнинг бўрилар ўртасида талош бўлиши, қишнинг тантанасини ёки қиш келганини, энди улоқ даври ўтиб, бўрининг даври етди, деган маънони ифодалайди. Лекин бу ҳодиса ҳозирга келиб халқ ўйинига айланиб кетган. Халқнинг қадим дунёқарашининг излари, илдизлари, куртаклари қўшиқ, халқ ўйинлари ичида муайян маънода сақланиб турибди. Энг қизиқ ва кишини жалб этадиган томони шундаки, гўё улар бир-биридан узоқ, ўзаро яқин келмайдигандек айтимлар, қўшиқлар, халқ ўйинлари илдизига, моҳиятига назар ташласангиз, улар халқимизнинг кўҳна мифологик дунёқарашларининг ирмоқлари эканини англатади. Тафаккур нури билан ушбу ўзан изидан борсангиз, кўҳна тасаввурлар тикланиб, бизнинг халқимиз ҳам оламни, одамни англашда, тушунишда дунё тамаддунлари бешигини тебратган халқ эканлигини англаймиз. Фақат биз ана шу изларни оламга бор бўй-басти билан кўрсата олишимиз керак.

Юқорида келтирган Ҳулкар ва Қамбар юлдузлар туркуми улоқ ва бўри, Ал образи ҳақидаги система бугун дунё фанида ўлиб-тирилувчи табиат ҳақидаги қадим мифологик таълимотнинг ўзбекона талқинлари ҳисобланади. Бизнинг халқимиз ҳам дунёнинг бошқа халқлари қаторида табиатни ўлиб-тирилиб турувчи жонли мавжудлик деб қабул қилган. Қишда кўклам, ёзда эса, аксинча, қиш ухлайди, деб англаган. Бу ҳодиса коинот ва юлдузларга боғлаб англанган. Яъни қишда Қамбар, ёзда эса Ҳулкар ернинг остига кириб кетади. Қиш келаётган пайтда ер тагидан Ҳулкар ўсиб чиқади, деб тимсоллар билан тушунтиришган. Нимадан, қандай ўсиб чиқади, деган саволга, образли тафаккур талқинида эчкининг туёғидан, деган жавоб бўлган.

Наврўз билан боғлиқ маросимларни кўздан кечирар эканмиз, унда асосан икки жиҳат яққол кўзга ташланиб турганини кўрамиз. Биринчиси, аждодлар руҳига бўлган ҳурмат ва эҳтиром, иккинчиси, ўлиб-тирилувчи табиатнинг жонли ҳолда тасаввур қилиниши ва улуғланиши.

Наврўзда қабристонларнинг зиёрат қилиниши, олов ёқилиши, ис чиқарилиши, қурбонликлар қилиниши аждодлар руҳига бўлган ҳурматни ифодалайди.

Наврўз пайти ўйналадиган «Оқ суяк» ўйинида ҳам аждодлар руҳига бўлган эҳтиромни кузатамиз. Бу ўйин ҳақида Алишер Навоий ҳам ўз асарларида маълумот беради. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида бу ўйин бугунга қадар ўйналиб келинмоқда. У, асосан, эрта кўклам пайти, кечқурун ўйналган. Болалар ўртасидан сайланган бошлиқ қўлидаги сўнгакни узоққа отган. Бошқа болалар уни топишга ҳаракат қилган. Кимки суякни биринчи бўлиб топса, ўша бола ютган ҳисобланган. "Оқ суяк" ўйинининг айнан Наврўз пайти ва тунда ўйналишига сабаб, суяк — аждодлар руҳи ёрдамида қиш —тунни ҳайдаб, кунга — баҳорга интилиш бўлган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айнан кўклам пайтида фасллар алмашинуви, табиатнинг қайта тирилиши, уни жонлантириш билан боғлиқ маросимлар, томошаларнинг ўтиши, ушбу маросимлар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулотларини енгиллаштириш, келаётган кўклам ва янги йилни қутлаб, унинг қут-баракали ўтишини Яратгандан сўраш, турли ўйин, ҳаракат, қўшиқлар асосида келаётган йилнинг қандай бўлишини чамалаб кўришга хизмат қилган.

Қадимда кўклам маросимининг таркибий қисми бўлган халқ ўйинлари кўҳна тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асрлар оша анъана тарзида яшаб келаётгани халқимизнинг руҳий куввати ва ижодий салоҳияти бениҳоя юксак эканлигидан далолат беради.

Наврўз куни ўйналадиган халқ ўйинлари ҳам кўпчилик иштирокида ўтказилган. Бундай ўйинлар орасида «Оқ теракми, кўк терак», «Чиллак» ўйинлари алоҳида эътиборга моликдир.

«Оқ теракми, кўк терак» ўйинининг келиб чиқиш тарихи ўйинларнинг бошқа турларига қараганда қадимийроқ экани тарихий ва бадиий манбаларда қайд этилган.

«Оқ теракми, кўк терак» ўйини мавсумий ўйинлар таркибига кириб, дастлаб фақат кўклам, баҳор фаслида ўйналган. Бу ўйин баҳор маросимининг таркибий қисми бўлгани учун фақат маросим пайтида ўйналиб, кейинчалик у катталар, сўнгра эса болалар ўйинига айланган.

Бизнингча, бу ўйин ўзида кун — тун, қиш ва баҳор тўқнашуви ҳақида қадим тасаввурларни ҳам ўзида мужассам этади. Қиш енгилса, баҳор ғолиб келади, тун чекинса, кун узаяди. Зеро, ўйин фольклори матнида асосий эътибор шунга қаратилган.

«Оқ теракми, кўк терак» деб аталишида, бир томондан, терак баргининг бир томони оқ(юмшоқ), бир томони кўк (қаттиқ) бўлса, иккинчи томондан, у ўзида кун ва тун ҳақидаги тасаввурлар билан боғланади. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида, хусусан, Хоразмда бу ўйин бошқача номда, яъни «Ой теракми, кун терак» деган номда ҳам учрайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, баҳор байрами Наврўзи олам ҳақидаги ўйинлар, томоша санъати, маросим қўшиқлари халқимизнинг қадим тарихи ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканини, уларда табиатдаги ўзгаришлар, фасллар алмашинуви билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ва инсон кўнглидан кечувчи некбин ҳис-туйғулар ўзининг бадиий ифодасини топганини кўрамиз.

Наврўз фақат табиатнинг ўзгариши, яшариши эмас, балки инсон қалби, руҳияти ва тафаккур тарзининг ҳам янгиланишидир. Табиатни англаш орқали ўзлиги, «мен»лигини кашф этган, қалбида ўзига ишонч, эртанги кун умиди уйғонган. Шунинг учун ҳам бу байрам ҳамма даврларда ҳам тинчлик, осойишталик, тотувлик, дўстлик, юртга, она-табиатга меҳр-муҳаббатнинг тароначи, ҳар инсоннинг ўз халқи, унинг тарихи ва маданиятига бўлган ҳурматининг нишонаси бўлиб келган.

**Шомирза ТУРДИМОВ,**
**Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати**

# МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**Халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-одатлари мужассамлашган**

## Наврўз умумхалқ байрами билан

**барча юртдошларимизни, жаннатмакон Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни, жонажон Ўзбекистонимизнинг илм-фани тараққиётига муносиб улуш қўшаётган зиёлиларни, фидойи устоз ва мураббийларни самимий муборакбод этамиз!**




# «O'ZPAXTASANOAT» UYUSHMASI

*Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги илмий салоҳиятини ривожлантириш йўлида тадқиқотлар олиб бораётган навшунос олим ва академикларни, пахта хомашёсини қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида меҳнат қилаётган муҳандис-уста мураббийларни, мустақил Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни, мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонлар ва сайёҳларни, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида меҳнат қилаётган фермерларни, барча қишлоқ хўжалиги ходимларини*

## НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ БИЛАН

*самимий қутлаймиз!*

*Барчага тинчлик-хотиржамлик, оилавий ҳаётларида омад ва зафарлар тилаймиз!*




SHARQ
Ma'rifat
Вечерний Ташкент
Халқ сўзи
ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИ
МУҲАММАД ЮСУФ
САЙЛАНМА
ОМОН МУ
САЙЛАН
Азиз юртдошлар!
Азалий ва абадий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз мужассамлашган "НАВРЎЗ" байрамингиз муборак бўлсин! Яхши ниятли ҳар бир кишининг кўнгли хурсандчиликларга, хонадони файзу баракага тўлсин. Тинчлик, хотиржамлик доимо йўлдошимиз бўлсин!
«Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси жамоаси
Эслатма: Ҳурматли устозлар! Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўқитувчилар учун Ona tili (6-sinf), Fizika (6-sinf), Kimyo (7-sinf) методик қўлланмалари чоп этилди. Ушбу китобларни "Шарқ зиёкори" китоблар дўконидан харид қилишингиз мумкин.
ONA TILI
FIZIKA
KIMYO




# КИМЁГАР ОЛИМ ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

***«... Чиғатой дарвоза томонда 111-умумтаълим мактаби бор. Ана шу мактабда бундан қарийб ярим аср муқаддам кимё дарси чоғида университет талабалари келиб, бизга катта шиша идишларда аллақандай лаборатория ишини намойиш қилишган эди. Икки модда аралашувидан оқ суюқликнинг пайдо бўлиши 8-синф ўқувчисига жуда ҳам мўъжизакор бўлиб туюлган ўшанда. Шу-шу менда кимё фанига бўлган иштиёқ ортиб борди. Кейинчалик раҳматли устозим Абдулҳай Саидовнинг сабоқлари ҳамда отамнинг ўгитлари орзуларимга қанот бўлди...».***

Болалик хотираларини бугун билан қиёслаб муқояса қилаётган кимёгар олим, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи Абдуҳамид Махсумов ўзининг чуқур илмий изланишлари билан таълим-тарбия ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Айтиш мумкинки, ихтирочи мураббий кўплаб ихтиро ва илмий ишлар, 10тадан зиёд дарслик ва монографиялар муаллифидир. Сергели туманидаги 277-умумтаълим мактабида фан ойлиги муносабати билан ўтказилган учрашувда олимнинг ўз кашфиётлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлари ва ҳаётий панднасиҳатлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. «Кимёвий элементлар сўзлайди» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда кимёгар олим ўқувчиларни қизиқтирган барча саволларга батафсил ва аниқ мисоллар асосида жавоб берди.

**Малоҳат Азимжонова, 9-синф ўқувчиси:**

— Биламизки, олма мевасининг пўстида фойдали витаминлар кўп. Бу таъриф қиш фаслида сақланадиган, ранги товланиб турувчи меваларга ҳам тегишлими?

— Жуда тўғри савол бердингиз, асосий оқсиллар меванинг пўстлоғида бўлади, — деди А.Махсумов. — Айниқса, олмадаги витаминнинг антиоксип хоссаси шуки, киши организмидаги рак хасталигини чақириш хавфи бўлган ҳужайраларнинг ривожланишини тўхтатади. Сир эмас, совуқда ҳам узоқ вақт мобайнида жилосини йўқотмай турган меваларнинг уст қисмига синтетик-органик модда билан ишлов берилган бўлади. Консервативларнинг инсон саломатлиги учун зарари кам бўлса-да, умуман истеъмол қилинмагани маъқул, албатта. Шу маънода бозордан харид қилинган меваларни махсус тозалаб истеъмол қилиш зарур, бу инсон организмини зарарли кимёвий моддалардан 75 фоиз муҳофаза қилиш демакдир.

Жамол Норбоев, 8-синф ўқувчиси:

— Шогирдларингиз ҳақида тўхталсангиз. Уларнинг устоз кўмаги билан яратган кашфиётлари ва ўзингизнинг ихтироларингизда қандай янгиликлар мужассам?

— Институтда таҳсил олиб, бирга ишлаган шогирдларим орасида кўпгина фан доктори ва номзодлари бор, — деди олим. — Аввало, талабалар билан биргаликда қилган ишларимиздан намуналар олиб келганман (қўлидаги «Покиза» деб ёзиб қўйилган совунга ишора қилди). Ушбу тозалик воситаси таркибида замбуруғ хасталигига қарши 99 фоизли курашувчи хусусиятга эга моддалар мавжуд. Бундан ташқари, шогирдлар билан ҳамкорликда 20тадан зиёд ҳиди узоқ вақтгача сақланувчи ва рангли атирлар тайёрланадиган моддалар яратилганини айтиш жоиз. Айни пайтда маҳаллий хомашёдан қоғоз олишнинг янада самарадор усулларини топиш бўйича изланишлар олиб боряпмиз.

Бундан ташқари, Низомий номидаги ТДПУ Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедрасида ўн йил олдин яратилган Чинор дарахти тасвири бор. Бунда шу пайтга қадар юртимиз олимлари томонидан яратилган ўттиз мингга яқин янги ихтиролар таърифи чизиқларда акс этиб, минглаб шохчаларга қиёс этилгани эътирофга сазовор. Буларнинг ҳар бири янгилик, кашфиёт ва яратилган моддалардир. Бу мисолларни келтиришимдан мақсад сиз, ўқувчиларни ҳам кимё фанининг бетакрор оламига етаклаш ва ўзбек фарзандларининг юксак салоҳиятга эга эканлигини, сизлардан ҳам ана шундай янгиликларни кутишимизни уқтириш эди.

Шу тариқа қизиқарли ва мазмунли суҳбат мобайнида кашфиёт намуналари ҳамда уларнинг моддалар формуласи ўқувчиларни ўзига жалб этди. Кимё фани ўқитувчиси Хуршида Пардаева ташаббуси билан ташкил этилган учрашувда кимёгар А.Махсумов ҳозир ёш авлод учун барча шарт-шароитлар яратилаётганини, замонавий ускуналар билан жиҳозланган физика, биология ва кимё хоналаридаги бекиёс имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Қолаверса, у ўқувчиларга биргина фанга оид билим билан чегараланмай, хорижий тилларни ҳам пухта ўрганишни маслаҳат берди.

Муҳими, умумтаълим мактабларида ташкиллаштирилаётган олимларнинг ўқувчилар билан бундай ижодий учрашувлари, очиқ дарслар ўқувчиёшларни янада изланиш ва интилишга чорласа, ота-оналарнинг мактаб таълимига ишончини яна бир карра орттиради. Мақсад эса ягона — чуқур билимли, юксак савияли, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга қодир ўғил-қизларни вояга етказиш.

**Шоира БОЙМУРОДОВА**

# ОТА-ОНАЛАР ИНСТИТУТДА

**Олий ўқув юртида таълим олиб, келажакда етук мутахассис сифатида фаолият бошлаш ҳар бир ёшнинг эзгу орзусидир. Фарзанди камоли, унинг бирор бир касб эгаси бўлиб етишиши эса ҳар бир ота-онанинг нияти.**

Шу маънода Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш» факультети талабаларининг ота-оналари билан очиқ мулоқот уюштирилди. Дастлаб меҳмонлар фарзандлари таълим олаётган олий ўқув юртида яратилган шароитлар, ўқув хоналари, лаборатория ва ахборот-ресурс маркази ҳамда талабалар турар-жойидаги шароитлар билан танишдилар.

Шундан сўнг ота-оналар институтнинг маданият саройида бўладиган асосий тадбирга таклиф этилдилар. Унда йиғилганлар институт ва факультет раҳбарияти томонидан таълим йўналишлари ҳамда талабаларнинг ўқув жараёни билан таништирилдилар.

— Бугунги кунда факультетимизда мавжуд 8та кафедрада 80дан ортиқ профессор-ўқитувчилар талабаларга сабоқ бериб келмоқда, — деди факультет декани Б.Мирзаев. — Талабаларнинг пухта билим олишлари учун барча имкониятлар муҳайё. Шунингдек, улар бакалавриатни тамомлаб бир нечта мутахассислик бўйича магистратурада ўқишларини давом эттириши мумкин. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида йирик ташкилотлар ва кичик корхоналар билан ҳам шартномалар имзоланган.

— Қизим Зарнигор шу ерда таълим олади, — деди Барно Алавхонова. — Бу ерда фарзандларимизнинг таълим-тарбия олиши учун яратилган имкониятларни, шароитларни кўриб хурсанд бўлдик, кўнглимиз таскин топди.

Факультетда талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун «Ёш механиклар», «Элэктр ускуналари сервиси», «Ёш механизатор» каби тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

**Баҳодир ШАМСИЕВ, «Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш» факультети 2-босқич талабаси**

# «ШОВҚИН» ҲАҚИДА ФИКР ЮРИТИЛДИ

*ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида таниқли ёзувчи ва кинодраматург, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Институт ёш тадқиқотчилари ташаббуси билан ташкил қилинган мазкур тадбирда адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар иштирок этди.*

*Сўзга чиққанлар замонавий адабиётимиз, хусусан, бугунги ўзбек насрида Эркин Аъзамнинг ўрни, ёзувчи ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.*

*Тадбир давомида Эркин Аъзамнинг ўтган йили нашр этилган «Шовқин» романи хусусида баҳс-мунозара бўлди. Ёш тадқиқотчилар ушбу романнинг бугунги ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ жиҳатлари, асарда кўтарилган муаммо, адиб тили ва услуби борасида маъруза қилдилар. Ўз навбатида, ёзувчи ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.*

**Б.ФАЗЛИДДИНОВ**

***Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда туман бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан педагог ходимлар ўртасида «Ўзбекистон, сени куйлайман!» номли санъат фестивали ташкил этилди.***



*Ушбу фестивални ўтказишдан мақсад, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларни ёш авлод онгига сингдириш, бой маънавий меросимизни тарғиб қилишдан иборат.*

*Фестиваль мусиқа ва рақс санъати йўналишлари бўйича бўлиб ўтди. Унда тумандаги таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглар ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этдилар. Иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолашда қўшиқ матни ва мусиқаси, саҳна ҳаракатлари, либослар ҳамоҳанглигига алоҳида эътибор берилди.*

*Фестиваль ғолиблари ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.*

**МУХБИРИМИЗ Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ АНИҚ ФАНЛАРГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ**

2012-2013 ўқув йили учун 2-синфларга қабул эълон қилади!

Кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:

1. Мактаб директори номига ариза.
2. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси.
3. 086-у шакл бўйича тиббий маълумотнома.
4. Турар-жойдан маълумотнома.
5. 3х4 ҳажмдаги 6та фотосурат.
6. Психологик-педагогик ташхис дафтари асосида ўқувчиларнинг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома.
7. Истеъдод ва иқтидорини кўрсатувчи ишларидан намуналар (шеърлар, ҳикоялар, расмлар ва шу кабилар).

Ҳужжатлар 2-синфлар учун 1—31 июль кунлари қабул қилинади.

КИРИШ СИНОВЛАРИ ТЕСТ, ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА КЎРИНИШИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, ХТВ тасарруфидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби (собиқ 310-мактаб, мўлжал «Булоқ» сув ҳавзаси, 22-мактаб).

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 240-51-18.

**ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ**

# НАВРЎЗ: ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ НИШОНЛАНАДИ?



***Кўҳна ва навқирон байрам—Наврўзи оламнинг кириб келиши ҳар қайси кўнгилга шоду хуррамлик бахш этиши табиий. Покланиш ва яшариш фаслини нишонлашга тараддуд ўзгача. Юртимизнинг қай гўшасига борманг, қадимий байрамни ҳамма бирдек қувонч ва мамнуният билан қарши олаётганининг гувоҳи бўласиз.***

## ОЛТИНСОЙ ТАРОВАТИ

Каттақўрғон туманидаги барча қишлоқларда ҳам Наврўз нафаси кезиб юрибди. Катта-кичик, ёшу қари, эркагу аёл бир-бирини янги мучал йилининг кириб келиши билан қутламоқда. Жумладан, Олтинсой қишлоғи ҳам ўзгача кўриниш касб этган. 75 ёшли Улмон момо Мамадиёрова, Синдор бобо Шоназаров ҳали қиш тугамай, невaралари келтирган бойчечакни кўзига суртишаркан, «Омонлик-сомонлик, кўрмагайлик ёмонлик, бу йилги баҳорга етказганига шукр!» дея дуо қилган эдилар. Уларнинг айтишича, бу йил мучал йили ҳисобига кўра, сув жонзоти—балиққа навбат келган. Бу йилда ёғингарчилик кўп бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинар экан. Дон-дун сероб бўлиб, чорвачилик ривожланади.

Олтинсойда 46-умумтаълим мактаби жойлашган. Бу ерда қишлоқ аҳлининг 300 нафардан зиёд фарзанди таълим олади. Улар Наврўз байрамини хуш кўришади, унинг анъаналарини ардоқлайдилар. Айниқса, «Балли, қизлар!» тадбирига юқори синф ўқувчилари алоҳида тайёргарлик кўришган. Ахир, байрам баҳона ўқувчи-қизлар ўз пазандалигини намойиш эттиси келади-да.

— Наврўзни мактабда нишонлашнинг гаштини биз катталардан кўра ёшлар бошқача ҳис қилишади. Ўқувчи-қизлар кўк сомса, чучвара, ғилминди, патир пишириб, дастурхон безатишади. Синфлараро ўтказиладиган «Балли, қизлар!» мусобақасида ўқитувчилар пазандалик маҳорати билан тайёрланган ўзбек миллий таомларини татиб кўриб, баҳо беришади. Ортимиздан мустақил ҳаёт сари одимлаб келаётган фарзандларимиз Наврўз ҳикматини, унинг боқий қадриятларини англаб улғайишмоқда, бундан кўнглимиз тўқ, — деди мактаб директорининг ўринбосари Ғаффор Пардаев.

**...Олтинсойга оқшом чўкди, икки кун аввал ёққан қордан асар ҳам қолмади. Қордан «бўшанган» дарахтлар куртаклаб турибди, эрта-индин куртак япроққа айланади...**

## МАҲАЛЛА ҲЕЧ КИМНИ ЁЛҒИЗЛАТИБ ҚЎЙМАЙДИ

Гулистон шаҳридаги турли миллат вакиллари яшайдиган «Янги ҳаёт» маҳалласида бу йилги Наврўз байрамининг нишонланишига алоҳида тараддуд кўрилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Болтаев, биринчи галда ҳеч қайси оила бу байрамдан четда қолмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Бағрибутун ва тўкис, сердавлат, пиру бадавлат оилаларда, шубҳасиз, дастурхон ясатилиб, ота-она ва фарзандлар, буви-бувалар, невара-чеваралар бир-бирига энг самимий тилакларини изҳор этиши аниқ. Аммо кам таъминланган оилаларни ёки боқувчисини йўқотган қарияларни байрам баҳона йўқлаш маҳалла фаолларининг ҳамиша эътиборида туради.

— Маҳалламизда 2 нафар ногирон, 80 ёшдан ошган 15 нафар отахону онахонлар истиқомат қилади. Кам таъминланган оилалар 82та. Маҳалла фаоллари ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олишга, айниқса, Наврўз кунлари кўпроқ эътибор қаратишади. Уларга маҳалла ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари берилади. Чунки Наврўз — хайр-саховат, меҳр-оқибат намоён бўладиган кун. «Мустаҳкам оила йили» давлат дастурида белгиланган кенг кўламли ишлар ижросига ҳисса қўшиш мақсадида эҳтиёжманд оилаларга йил бошидан бери 3 миллион 680 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, — дея ҳикоя қилади маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Болтаев.

Дарҳақиқат, маҳалланинг кишиларга ғамхўрлиги тимсолида халқимиз ҳаётининг кўп асрлик ҳикматини англаш қийин эмас. Зеро, маҳалла ҳеч кимни, ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймайди. «Янги ҳаёт» маҳалласи фаоллари ҳам ана шу асрий анъанани қадрлайдилар.

## ОИЛАДА ХУРСАНДЧИЛИК

Тошкент шаҳрининг Кўкча маҳалласида Иброҳимовлар хонадонини «шифокорлар оиласи» дейишади. Уч ака-ука — Тоҳир, Равшан, Ўткир ва уларнинг опа-сингиллари, эл саломатлигини сақлашдек савобли иш билан банд. Ўзбекона расм-русум ва қадриятларга муҳаббат руҳида тарбияланган барча фарзандлар Наврўз байрамини дастурхон атрофида нишонлашга одатланишган. Тўнғич фарзанд — Тоҳир Иброҳимовнинг хонадонида ўша куни қизлари Нодира, Мунира фарзандлари билан ота-онасини байрам билан қутлагани келишади. Хонадон бирпасда гавжумлашади, ҳамма дастурхон атрофига йиғилади. Кўпчилик бўлиб байрамни нишонлашнинг гашти шундаки, дийдор ширин, суҳбатлашиш ундан-да аъло, кўз-кўзга тушиб, ўртадаги меҳр-муҳаббат ришталари яна ҳам мустаҳкамланади.

— «Ўригидан мағизи ширин» деганларидек, нафақат Наврўз байрамида, балки бошқа саналарда ҳам неваралар билан уйимиз чароғонлашади. Уларнинг тўнғичи 15-16 ёшда бўлса, кичкинаси Ҳасан-Ҳусан уч ёшда. Мен нафақада бўлганим учун энг қадрдон меҳмонларимни кутиб олиш учун дастурхон ясатаман, тансиқ таом тайёрлайман, кўк сомса ва ширинликлар ҳар биримизга етиб-ортади. Турмуш ўртоғим, қизларим, куёвларим, невараларим билан дастурхон атрофида бир-бирига иззат-икром кўрсатишса, илтифот қилишса, дилдан суҳбатлашишса, бу мен учун улкан бахт. Менимча, оила деб аталган муқаддас маконнинг қадри меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, эътибор билан ўлчанишида бўлса керак, — дейди уй бекаси Маъмура Иброҳимова.

Оила — миллий-маънавий қадриятларни келажак авлодга етказувчи маскан эканлиги айниқса, улуғ айём кунларида янада яққолроқ сезилади.

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**





**Баҳор ўз тароватини кўз-кўз қилиб ўлкамизга кириб келиши билан халқимиз қадимий анъана ва маросимлар ўтказишни бошлаб юборади. Ҳашар, йилбоши, дарвешона каби маҳалла-кўй, юрт ободлиги ва одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи анъаналар қаторида чалпак пишириш маросими ҳам ўтказилади. Асосан Фарғона водийсида кенг тарқалган бу маросим яқинда Учкўприк туманидаги Қатағон қишлоғида уюштирилди. Бу қандай удум ва нима учун маҳалла онахонлари, келинчак ва қизлар кўчада чалпак, қатлама, кўк сомса ва ош пиширишади, деб берган саволимизга маҳалланинг энг кекса кайвониларидан бири, онахон Кароматхон Меликосимова шундай жавоб берди:**

# ЧАЛПАК САЙЛИ

— Энг аввало, бу шукроналикдан дарак. Сўнгра дийдорлашув, жипслашув ва аҳиллик, иноқлик байрами. Совуқ қиш кунлари ортда қолиб, баҳорга эсон-омон етиб келганимиз учун дийдорлашиб, чалпак пиширишнинг ўзига хос маъноси бор. Оиламизга, маҳалламизга, юртимизга йил бўйи тинчлик, тўкинлик, фаровонлик, барака ёғилиб турсин деган ниятда ҳамма уйидан ун, ёғ, пиёз, ҳатто ўтингача олиб чиқади. Сўнгра кўча четига кўрпачалар тўшалиб жой қилинади. Келинчаклар, қизлар чалпак тайёрлашга тушиб кетадилар. Онахонлар уларга йўл-йўриқ ва маслаҳат бериб туради. Чалпак биринчи бўлиб болаларга улашилади. Ўзбек халқи ўзи емай боласини едиради, ўзи киймай боласига кийдиради.

*Ahil mahalla*

Бу маросимда болажонлигимиз яна бир карра ўз тасдиғини топади. Кўчадан ўтаётган кишиларга ҳам чалпак улашамиз. Чалпак еган киши маҳалла ҳақига дуо қилади, маҳаллада яшовчи барча кишиларнинг хонадони тинч, ҳосили мўл бўлишини тилайди. Турли кўкатлардан, кўпчилиб бўлиб тайёрланган қатлама, чалпак, сомсанинг таъми ўзгача.

— Маҳалламизда ҳар йили ўтказиладиган чалпак сайлида барча фаол иштирок этади, — деди Қатағон маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси Муборак Раҳмонова. — Оилалар мустаҳкамлиги, болаларнинг қаровсиз қолмаслиги, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маҳаллада «устоз-шогирд» тизимини йўлга қўйиш доимо эътиборимизда. Бирлашган ўзар экан. Кекса онахонлар келинчакларга, қизларга бой ҳаётий тажрибаларини гапириб берадилар. Қайнота-қайнонага ҳурмат, оиланинг бошқа аъзоларига иззат, турмуш ўртоғига илиқ муносабат, фарзанд тарбиялаш борасидаги йўл-йўриқлар билан ўртоқлашадилар. Чалпак сайлида Наврўз байрамига тайёргарлик масаласи ҳам маслаҳатлашиб олинади. Маросим баҳона маҳалла фаоли Одинахон Полвонова уйида сумалак учун ўн килограмм буғдой ундирадиган бўлди. Бу яна бир байрам ўтказилади, дегани.

Маҳалламизда тинчлик ҳукмрон, ҳамжиҳатликда иш кўрилади. Шунинг учун ҳам оилалар тинч, хотиржам.

— Маҳалла болалари ҳудудга яқин бўлган 1, 28, 29-умумтаълим, 1,-2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида, 9-, 1- мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия олишади. Маҳалламизда Шарофатхон Раҳмонова, Шоҳистахон Ғуломова, Маҳфузахон Раҳмонова, Замирахон Насриддинова каби ўқитувчилар истиқомат қилади. Мен ҳам 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида болаларга сабоқ бераман. Бугунги Чалпак сайлида мен ўқувчиларимнинг оналари билан дийдорлашаман, фарзандларининг таълим-тарбияси тўғрисида суҳбатлашаман. Бувилар, оналар ўз ўғил-қизлари ҳақидаги илиқ фикрларни эшитиб хурсанд бўлишади, — деди педагоглардан бири Умидахон Исмоилова.

Арқонда сакраш, шахмат-шашка, арқон тортиш мусобақалари чалпак сайлига ўзгача мазмун бағишлади. Кексалар, беморлар, азадор оилалар ҳолидан хабар олинди, уларга ҳам қатлама, чалпак, ош олиб кирилди.

Қадимий анъана ва одатлар бор экан, маҳалла аҳли бирдамлиги, аҳиллиги ҳеч қачон йўқолмайди. Фарзандлар баркамол вояга етади.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

# ҚУШЛАР — ТАБИАТ БЕЗАГИ

*Tabiat va biz*

Қушлар ўта нозик ва сезувчан бўлиб, теварак-атрофнинг ифлосланишини биринчи бўлиб илғайди ва табиат орасталигини таъминлайди.

Туманимизда «Ёш табиатшунослар» тўгарагининг ташкил этилгани биология фанига қизиқувчи ўқувчилар учун айни муддао бўлди. Яқинда бир гуруҳ тўгарак аъзолари билан Моргузар тоғ тизмалари ёнбағирлари ҳамда Қоровултепа сув омборига саёҳат уюштирдик. Қушлар галасининг жануб тарафдан бирин-кетин шовқин солиб учиб келишини ўқувчилар зўр қизиқиш билан кузатдилар. Сув омбори сатҳини макон тутган қушлар парвози бу ерга жон бағишлайди гўё.

«Қизил китоб»га киритилган ғозларнинг ноёб тури — оққушлар галаси юртимизга биринчилардан бўлиб учиб келиб, ҳавза бўйларини макон қилишади. Улар ҳам худди инсонлардек жуфтига содиқ ва вафодор. Биз ўзимиз кузатган қушларнинг айрим турлари ҳақида қисқача маълумот берамиз. Оққушлар янги наслини дунёга келтириш учун уяларини одамлар қадами етмайдиган тўқайзор ва хилват жойларга қўйишади. Бу пайтда тўқайзорлар ўтиб бўлмас ботқоқликлардан иборат бўлгани боис улар йил охиригача бир жуфт жўжа очиб, меҳнатсевар ва ғамхўр ота-она эканини намоён этишади. Чақноқ кўзлари ички сезги туйғулари билан уйғунлашиб, аниқ ҳаракат қилишади. Бу совуққа чидамсиз қушларнинг ҳаёт ва макон учун кураши осон кечмайди.

Қирғовул — тенги йўқ гўзал қуш. У турфа ранг ва турли кўринишда бўлиб, жозибаси ва фусункорлиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Кўкка чарх уриб кўтарилганда қуёшда камалакдек товланиб, ўзининг бутун назокати ва нафосатини намойиш қилади.

Оқчарлоқ(чайка) ўз ўлжасини қаердан қидиришни яхши билади ва насибасини албатта топади. У энг эпчил, меҳнаткаш, оиласига садоқатли балиқчи қуш.

Ёввойи ўрдак сув сиртида ов қилади. Ёғ билан патларига дам-бадам ишлов бериб, тез-тез ювиниб туради. Унинг полапонлари тухумдан чиққан заҳоти суза бошлайди. Майда балиқлар билан озиқланадилар.

Укки ўта вазмин учувчи қуш бўлиб, эшитиш қобилияти кучли — жиндек овозни ҳам дарров пайқайди. У кундузи бир ярим чақирим узоқликдаги ўлжасини кўриш қобилиятига эга.

Лойхўрак ҳам чиройли қуш бўлиб, унинг ташқи кўриниши чипор, тумшуғи узун, кўзлари катта-катта, ўзи жуда сезгир. Тумшуғи ов учун мўлжалланган. Ҳавога кўтарилганда аранг учаётгандек таассурот қолдиради. У айланиб ҳам уча олади.

Биз соҳилда бўлган кунимиз турфа қушлар сайраши табиатга файз ва жозиба бағишлашининг гувоҳи бўлдик. Ғаллаорол тумани ҳудудидаги Қоровултепа сув омбори турфа хил қушлар учун қулай макон экан. Саёҳатимиз кўнгилли ўтганлиги ўқувчи ўғил-қизларнинг юз-кўзидан маълум эди.

**Раъно РУСТАМОВА,**
**Ғаллаорол туманидаги 16-мактабнинг биология фани ўқитувчиси**

## ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИНГ ҲУДУДИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати 2011/2012 ўқув йилида университетнинг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ҳамкорликка таклиф этади.**

**Университетни тамомлаётган ёш мутахассислар педагог касбига қўйиладиган замонавий талабларга тўлиқ жавоб бериб, ўқув – тарбия жараёнида ахборот ва ўқитишнинг илғор технологияларидан фойдаланиш бўйича юқори малакаларга эга.**

**Битирувчилар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни олиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш учун университет Маркетинг бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштириш жараёнида ҳисобга олиш учун буюртмалар жорий йилнинг 15 апрелига қадар қабул қилинади.**

Манзил: 100070 Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Юсуф хос Ҳожиб кўчаси 103-уй. Телефон/факс: 8 (371) 255-50-77 www.tdpu.uz

### 2011-2012 ўқув йилида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот (ҳудудлар кесимида)

### БАКАЛАВРИАТ

| № | Йўналиш (мутахассислик) шифри | Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи | Битирувчилар сони | Шу жумладан | | Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | грант | контракт | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сурхондарё вилояти | Сирдарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Қашқадарё вилояти | Тошкент шаҳри | Бошқа давлатлар |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 1 | 5140100 | Математика ва информатика | 143 | 65 | 78 | 5 | | 7 | 6 | 5 | | 7 | 20 | | 24 | 2 | 10 | 37 | 20 | |
| 2 | 5140200 | Физика ва астрономия | 80 | 36 | 44 | | 1 | 7 | | 2 | | 6 | 16 | | 11 | | 7 | 16 | 14 | |
| 3 | 5140300 | Кимё ва экология | 74 | 37 | 37 | 1 | | 10 | 2 | 2 | 1 | 10 | 8 | | 7 | 1 | 8 | 23 | 1 | |
| 4 | 5140400 | Биология ва инсон ҳаётий фаолиятини муҳофаза қилиш | 77 | 39 | 38 | | | 6 | 2 | 5 | 2 | 6 | 9 | | 12 | 2 | 6 | 11 | 16 | |
| 5 | 5140500 | География ва иқтисодий билим асослари | 89 | 38 | 51 | 4 | | 3 | 1 | 1 | 1 | 3 | 10 | 3 | 4 | 2 | 4 | 9 | 44 | |
| 6 | 5140600 | Тарих | 136 | 50 | 86 | 2 | 1 | 6 | 5 | 7 | 2 | 14 | 29 | 3 | 15 | 3 | 10 | 23 | 16 | |
| 7 | 5140700 | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 48 | 27 | 21 | 2 | 1 | 2 | 2 | 2 | 1 | 3 | 4 | 1 | 9 | | 4 | 3 | 14 | |
| 8 | 5140800 | Педагогика ва психология | 143 | 63 | 80 | 2 | 2 | 4 | 3 | 4 | 3 | 6 | 19 | | 27 | | 4 | 15 | 54 | |
| 9 | 5140923 | Касб таълими: машинасозлик | 67 | 26 | 41 | | | 2 | 3 | 6 | | 4 | 10 | 2 | 15 | 1 | 4 | 14 | 6 | |
| 10 | 5140923 | Касб таълими: сервис | 27 | 18 | 9 | 2 | | 4 | 2 | | | 2 | 3 | 1 | 5 | | 1 | 4 | 3 | |
| 11 | 5140923 | Касб таълими: техник жиҳозлар | 23 | 14 | 9 | | | | 2 | 1 | 2 | 2 | 2 | | 4 | | 1 | 4 | 5 | |
| 12 | 5140903 | Касб таълими: амалий санъат | 42 | 18 | 24 | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 3 | | 1 | 8 | | | 1 | 25 | |
| 13 | 5140904 | Касб таълими: агрономия | 22 | 10 | 12 | | | 1 | | | | | 2 | | 1 | 1 | 3 | 14 | | |
| 14 | 5141000 | Мусиқий таълим | 46 | 20 | 26 | 3 | | 1 | | | | 5 | 2 | 1 | 9 | 3 | 4 | 4 | 14 | |
| 15 | 5141100 | Ўзбек тили ва адабиёти | 153 | 68 | 85 | 4 | 2 | 16 | | 4 | 7 | 9 | 14 | 4 | 11 | 4 | 33 | 33 | 12 | |
| 16 | 5141200 | Чақириққача ҳарбий таълим | 86 | 34 | 52 | | | 4 | 1 | 1 | 1 | 5 | 5 | | 25 | | 1 | 14 | 29 | |
| 17 | 5141300 | Рус тили ва адабиёти | 56 | 29 | 27 | 1 | | 2 | | | | | 4 | 1 | 12 | | | 1 | 35 | |
| 18 | 5141302 | Қозоқ тили ва адабиёти | 17 | 5 | 12 | | | | | 3 | | | | | 14 | | | | | |
| 19 | 5141303 | Корейс тили ва адабиёти | 19 | 3 | 16 | | | | | | | | | | 9 | | | | 10 | |
| 20 | 5141401 | Инглиз тили | 99 | 40 | 59 | 2 | 2 | 7 | 2 | 2 | 3 | 4 | 14 | 4 | 7 | | 7 | 10 | 35 | |
| 21 | 5141402 | Немис тили | 18 | 5 | 13 | | | | | 2 | | 2 | 1 | | 2 | | 1 | 9 | 1 | |
| 22 | 5141500 | Миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими | 160 | 46 | 114 | 3 | | 4 | 6 | 18 | 9 | 12 | 9 | 6 | 25 | 3 | 5 | 25 | 35 | |
| 23 | 5141600 | Бошланғич таълим ва спорт – тарбиявий иш | 110 | 44 | 66 | 3 | | 4 | 2 | 3 | 1 | 9 | 8 | | 33 | | 8 | 19 | 20 | |
| 24 | 5141700 | Мактабгача таълим ва болалар спорти | 66 | 26 | 40 | | | 1 | | | | 2 | 1 | | 4 | | | | 58 | |
| 25 | 5141800 | Дефектология | 157 | 63 | 94 | | 1 | 2 | 4 | | 2 | 2 | 17 | | 21 | | 2 | 1 | 105 | |
| 26 | 5141900 | Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият | 27 | 8 | 19 | 1 | 1 | 3 | | | | 1 | 5 | 1 | 2 | 1 | 2 | 4 | 6 | |
| 27 | 5142000 | Меҳнат таълим | 34 | 13 | 21 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | 1 | 4 | | 10 | 1 | 1 | 8 | 5 | |
| | | **Жами ТДПУ бўйича:** | **2019** | **845** | **1174** | **37** | **12** | **97** | **45** | **69** | **36** | **118** | **216** | **28** | **326** | **24** | **126** | **302** | **583** | **0** |

### МАГИСТРАТУРА

| № | Йўналиш (мутахассислик) шифри | Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи | Битирувчилар сони | Шу жумладан | | Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | грант | контракт | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сурхондарё вилояти | Сирдарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Қашқадарё вилояти | Тошкент шаҳри | Бошқа давлатлар |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 1 | 5А 460101 | Математик таҳлил | 10 | 3 | 7 | | | | | | | 1 | 1 | | 2 | | 1 | 1 | 4 | |
| 2 | 5А 142201 | Таълимда ахборот технологиялари | 8 | 2 | 6 | | | 1 | | | 1 | 1 | | | 3 | | | | 2 | |
| 3 | 5А 440101 | Назарий физика | 8 | 3 | 5 | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 3 | |
| 4 | 5А 440305 | Ер ва сайёралар физикаси | 6 | 2 | 4 | | | | 1 | | | 2 | 1 | | | | | 1 | 1 | |
| 5 | 5А 440402 | Аналитик кимё | 7 | 2 | 5 | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | | | | 1 | | 2 | |
| 6 | 5А 4420106 | Микробиология | 8 | 3 | 5 | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | 5 | |
| 7 | 5А 140511 | Амалий география | 7 | 2 | 5 | | | | 1 | | | | 3 | | | | | | 3 | |
| 8 | 5А 142001 | Меҳнат таълими методикаси | 6 | 2 | 4 | | | | | | | 1 | | | | 3 | | | 2 | |
| 9 | 5А 141001 | Мусиқий таълим | 8 | 2 | 6 | | 1 | | | | 1 | | | | | 2 | | | 4 | |
| 10 | 5А 140701 | Тасвирий санъат | 8 | 2 | 6 | | | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | 2 | | 2 | |
| 11 | 5А 140601 | Тарих | 10 | 4 | 6 | | | | | | | 1 | | | 2 | | | 1 | 6 | |
| 12 | 5А 141501 | Маънавият асослари | 9 | 3 | 6 | | | 1 | | | | | 2 | | 1 | 1 | | 2 | 2 | |
| 13 | 5А 141401 | Инглиз тили | 16 | 4 | 12 | | 2 | | 2 | | | | 1 | | 2 | 3 | | | 6 | |
| 14 | 5А 141301 | Она тили (Рус тили) | 9 | 3 | 6 | | | | | | | | | | 1 | | | | 7 | 1 |
| 15 | 5А 141302 | Рус адабиёти | 7 | 2 | 5 | | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | | 1 | 3 | |
| 16 | 5А 141401 | Немис тили | 3 | 2 | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | 1 | |
| 17 | 5А 140801 | Педагогика | 17 | 3 | 14 | | | | 1 | | | 2 | | | 4 | 3 | | 1 | 5 | 1 |
| 18 | 5А 140802 | Психология | 21 | 4 | 17 | | 1 | 1 | | | | | 1 | | 3 | 2 | | | 13 | |
| 19 | 5А 148101 | Мактабгача таълим | 6 | 2 | 4 | | | | | | | 1 | | | | | | | 5 | |
| 20 | 5А 141803 | Логопедия | 8 | 3 | 5 | | | | | | | | | | | 1 | | | 7 | |
| 21 | 5А 141804 | Олигофренопедагогика | 10 | 2 | 8 | | | | | | | | 1 | | | | | | 9 | |
| 22 | 5А 141602 | Бошланғич таълим | 9 | 2 | 7 | | | 1 | 1 | | 1 | | | 1 | | | | 2 | 3 | |
| 23 | 5А 141101 | Ўзбек тили | 10 | 3 | 7 | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | |
| 24 | 5А 141102 | Ўзбек адабиёти | 8 | 3 | 5 | | | | | 1 | | 1 | 1 | | | 1 | | 2 | 2 | |
| 25 | 5А 141201 | Чақириққача ҳарбий таълим | 8 | 2 | 6 | 1 | | | | | 1 | | | | 2 | | 1 | 3 | | |
| | | **Жами ТДПУ бўйича:** | **227** | **65** | **162** | **1** | **6** | **6** | **8** | **2** | **8** | **13** | **14** | **3** | **25** | **18** | **7** | **16** | **98** | **2** |

# ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни, таълим тизимида фидокорона меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларни эзгу умидлар рамзи бўлган* **Наврўз айёми** *билан самимий қутлаймиз.*

*Юртимиз истиқболи бўлган баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.*







## ОКЕАННИНГ АСОСИЙ МИКРОЭЛЕМЕНТИ — ТЕМИР

**Бостон университети (АҚШ) олимлари океанлардаги темир моддаси биологик маҳсулдорлик, атмосферадаги карбонат ангидрид миқдори ва табиийки, ҳаво ҳароратига ҳам бевосита таъсир ўтказишини кўрсатувчи ишончли далилларни топишга муваффақ бўлишди. «Табиат геологик илми» («Nature Geoscience») журналида мавзуга оид мақола чоп этилди.**

Дунё океанлари тизими реактив углероднинг улкан захираси ҳисобланади. Сувдаги углероднинг ҳаводагиси билан мунтазам алмашинуви кузатилиши оқибатида карбонат ангидрид ҳосил бўлади. Сувнинг устки қатламидаги углероднинг катта қисми денгиз ўсимликлари (асосан фитопланктон) томонидан «истеъмол» қилинади. Айнан шу сабаб денгиз биологик маҳсулдорлик атмосферадаги карбонат ангидрид миқдорини белгиловчи омил сифатида тан олинган. Ўз навбатида, океаннинг биологик маҳсулдорлиги кўрсаткичи азот, фосфор, темир каби озуқа моддаларига боғлиқ. Америкалик олимларнинг изланиши эса океанлардаги биологик маҳсулдорликка айнан темир моддаси кўпроқ «ҳисса» қўшишини кўрсатди. Шу боис 20 йил олдин Калифорния штати университети профессори Жон Мартин «темир гипотезаси»ни илгари сурган. Унга кўра, биологик маҳсулдорликни океандаги темир моддасини кўпайтириш ҳисобига бойитиш мумкин, бу эса ўз навбатида, атмосферадаги карбонат ангидрид миқдорини камайтириши мумкин. У қадимда бундай ҳолат кузатилганини ҳам таъкидлаган. Ер нисбатан қуруқ ва чанг бўлганида океанга нисбатан кўпроқ темир тушган. Бунда биологик маҳсулдорлик ошган, атмосферада эса карбонат ангидрид концентрацияси камайган. Айнан шу ҳолат узоқ муддатли муз даврларини бошлаб берган. Ричард Мюррей раҳбарлигидаги Бостон университети олимлари мазкур илмий фараз тўғрилигини исботлашга эришдилар.



## БАҲОРГИ ДЕПРЕССИЯНИНГ ҚИШДА ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН

**Қишнинг қуёшли кунларини уйда ўтказиш керак эмас, боиси ёруғлик етишмаслиги организм захиралари тугаши ва баҳорда кучли депрессия кузатилишига олиб келиши мумкин. Вена тиббиёт университети (Австрия) психиатрия ва психотерапия факультети раҳбари, профессор Зигфрид Каспер раҳбарлигида амалга оширилган тадқиқот шуни кўрсатди.**

Олимнинг сўзларига кўра, ёруғлик кўз тўр пардасига тушиб, кўриш қобиғига узатилади. Лекин бундан ташқари, нур асаб тизимини бошқарувчи мия қисми — гипоталамусни ҳам фаоллаштирар экан. Ўз навбатида, гипоталамус ёруғлик сигналини олиб, турли органлар тизимини фаоллаштиради. Хусусан, гипоталамус ичаклар фаоллиги, глюкоза алмашинуви, тана ҳарорати, ҳужайра ва тўқималар ўсишига, чарчоқ, хавотир ва тушкунликни босишга таъсир кўрсатади.



Қишда эса одамлар иссиқ уйидан чиқишни хоҳламайди ва айнан шу ҳолат баҳорда депрессияга сабаб бўлади. Профессорнинг таъкидлашича, ҳаво ҳароратининг бунда ҳеч қандай аҳамияти йўқ, чунки у инсон эмоционал ҳолатини белгиловчи омиллар қаторида иккинчи ўринда туради. Шу боис агар бутун қиш чироқ остида вақт ўтказилса, баҳорга келиб организм мавсумий ўзгаришларга етарлича тез кўниколмайди. Бу депрессияга мойиллиги бўлиб, ҳатто очиқ кунларда ҳам уйда ўтирадиганларда айниқса сезилади. Шунинг учун жисмоний фаолликни зарур даражада ушлаб туриш учун қишнинг қуёшли кунларидан унумли фойдаланиш лозим.

**Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.**

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Қашқадарё вилоят кенгаши жамоалари Яккабоғ туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

**Файзулла МЕХЛИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

## JUMLADA JAHON
yangiliklari ⊕ xabarlari

**Франциянинг Монтобан ва Тулуза шаҳарларида номаълум шахс аввалига уч нафар ҳарбийни, сўнгра яҳудийлар мактабига яқин ҳудудда уч нафар ўқувчи ҳамда муассаса руҳонийсини отиб кетган, шу сабабли мамлакат жанубида максимал даражадаги хавф ҳолати эълон қилинди.**



Шотландия ҳукумати вояга етмаганларнинг иштиёқига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги боис соат 21:00 гача телевидениеда зарарли дея эътироф этилган озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, меъёрдан ортиқ ёғ, шакар ва туз бўлган таомлар, шоколад, чипс, фастфуд кабилар рекламасини тақиқлади.

**«Эппл» («Apple») компанияси АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Германия, Гонконг, Канада, Сингапур, Франция, Швейцария ва Япония каби мамлакатларда расмий равишда сотув бошлангандан сўнг уч кун ичида 3 миллионта учинчи авлод планшети — АйПэд-3ни ўз эгасига етказган ҳолда бу борадаги рекорд кўрсаткичга эришди.**

# КЎКЛАМ ҚЎШИҚЛАРИ

## САЙИЛГА ЧОРЛАР

*Енгил ел эсар,*
*Ҳамал ҳам келар,*
*Қуёш ҳам порлар,*
*Сайилга чорлар.*

*Наврўз бу ёнда,*
*Сайил бу ёнда,*
*Ўйнагани кел,*
*Куйлагани кел!*

## ДОИРАНИ ЧАЛИНГ, ЖОН МОМО

***Доирани чалинг, жон момо,***
***Ўйинга тушсин қиз бола,***
***Қиз боланинг сочига***
***Ярашибди чучмома.***

***Сомса ёпдим ялпиздан,***
***Омонлиг-е, сомонлик.***
***Юз Наврўзни ўтказган,***
***Момоларга берайлик.***

***Наврўз куни, қизларжон,***
***Ўсма баргин терайлик.***
***Сочга тақиб гул-маржон,***
***Қошга ўсма қўяйлик.***

## БАҲОР КЕЛАР, ЁЗ КЕЛАР

***Наврўз келди, ёз келди,***
***Турна келди, ғоз келди,***
***Қўшиқ айтган шу ёрдан,***
***Булбулдек овоз келди.***

***Ўрдак келар, ғоз келар,***
***Баҳор келар, ёз келар.***
***Иккимизни бир кўриб,***
***Ёниб ўлсин ўзгалар.***

## КЎП НАВРЎЗГА ЕТАРМИЗ

Наврўз келди, экайлик,
Оғоч-уғоч тикайлик,
Қутлаб қўчқор йиқайлик,
Улли ўтлар ёқайлик.

Улли ўтни натармиз,
Қўзи кабоб этармиз,
Бу жонимиз соғ бўлса,
Кўп Наврўзга етармиз.

## САЙИЛДАН КЕЧ ҚОЛМАНГЛАР

***Одамлару, одамлар,***
***Боғда битган бодомлар,***
***Эшитмадим деманглар,***
***Наврўзни олқишланглар,***
***Сайилдан кеч қолманглар-о, ҳо-ҳой!***

***Бозорлар бўлсин тўкин,***
***Халқимиз эксин экин,***
***Ҳунарманду косиблар,***
***Чевару ҳолвагарлар,***
***Барча-барчангиз бу кун,***
***Сайилдан кеч қолманглар-о, ҳо-ҳой!***

***Туну кун тенглашади,***
***Ҳамма бир мучал ошади,***
***Бахт келтирсин Янги йил,***
***Севинчларга тўлсин дил,***
***Сайилдан кеч қолманглар-о, ҳо-ҳой!***

## КЎКЛАМ КЕЛДИ

*Кўклам келди, ҳар ерлар*
*Яшнар лола, гул билан.*
*Боғлар, бўстонлар тўлди,*
*Қумри-ю булбул билан.*

*Парча-парча булутлар,*
*Йиғилса ёғар ёмғир,*
*Элим хазинасига*
*Ҳар бир томчи гавҳар-дур.*

*Келса Йилбоши — Наврўз,*
*Олам гулистон бўлғуси,*
*Осмондан еру заминга,*
*Оби раҳмат ёғгуси.*

## ЙИЛБОШИ

***Одамлар, ҳой одамлар,***
***Боғда битган бодомлар!***
***Эшитмадим деманглар,***
***Бугун байрам — Йилбоши,***
***Сайилга, ҳо сайилга.***

***Деҳқон дала айланди,***
***Ҳўкиз шохи мойланди,***
***Омоч, мола, чўнка тиш,***
***Деҳқонбобо шайланди.***

***Арпа, буғдой сепилсин,***
***Майса униб етилсин.***
***Деҳқон иши ўнг келсин,***
***Омборлар донга тўлсин,***
***Янги йилда қут бўлсин,***
***Қозон тўла сут бўлсин...***

## НАВРЎЗЖОН, БУ ЙИЛГИ КЕЛИШИНГ БОШҚА

*Тарихинг, таърифинг тилларда достон,*
*Қуёш чарақлайди, мовийдир осмон,*
*Ҳофиз қўшиқ айтар, рақс этар жонон,*
*Севинч бағишлайсан кексаю ёшга,*
*Наврўзжон, бу йилги келишинг бошқа.*

*Бир ён катта кураш, бир ён кўпкари,*
*Аския, айтишув, ўланлар бари.*
*Янгаларнинг айтган авжли ёр-ёри,*
*Севинч бағишлайсан кексаю ёшга,*
*Наврўзжон, бу йилги келишинг бошқа.*

*Шоирларнинг айтар сўзи бўлиб кел,*
*Яйловларда қўю қўзи бўлиб кел,*
*Майли, гулбаҳорнинг ўзи бўлиб кел,*
*Севинч бағишлайсан кексаю ёшга,*
*Наврўзжон, бу йилги келишинг бошқа.*

**Ҳикмат бахши МУСУРМОНОВ**



## БОЙЧЕЧАК

*Бойчечагим бойланди,*
*Қозон тўла айронди.*
*Айронингдан бермасанг,*
*Қозонларинг вайронди.*

*Қаттиқ ердан қазилиб чиққан бойчечак,*
*Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!*

*Бойчечакни тутдилар,*
*Тут ёғочга осдилар.*
*Қилич билан чопдилар,*
*Бахмал билан ёпдилар.*

*Қаттиқ ердан қазилиб чиққан бойчечак,*
*Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!*

*Оғритманг-о, оғритманг,*
*Болаларни жавратманг.*
*Бойчечагим боласи,*
*Қулоғимда донаси,*
*Донасин олай десам,*
*Чиқиб қолди онаси.*

***

*Қаттиқ ердан қазилиб чиққан бойчечак,*
*Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!*

*Бойчечагим бойланди,*
*Кўчама-кўча айланди.*
*Бойчечагим кўк сомса*
*Чўнтакларга жойланди.*

*Қаттиқ ердан қазилиб чиққан бойчечак,*
*Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!*

*Бойчечагим бойланди,*
*Қозон тўла айронди.*
*Айронингдан бермасанг,*
*Қозонларинг вайронди.*

*Қаттиқ ердан қазилиб чиққан бойчечак,*
*Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!*

*Сен бизларнинг тўнғич гўзал қизимиз,*
*Бизга қараб жилмайсанг-чи, ҳой, чечак!*

***Яккахон:***
*— Қаттиқ ердан қатраб чиққан бойчечак!*

***Хор:***
*— Бойчечак!*
*Бойчечак!*

***Яккахон:***
*— Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!*

***Хор:***
*— Бойчечак!*
*Бойчечак!*

***Яккахон:***
*— Бойчечагим ҳиллодир,*
*Ҳамён тўла тиллодир.*

***Хор:***
*— Бойчечак!*
*Бойчечак!*

***Яккахон:***
*— Ақира-ақир,*
*Ҳамён тўла пақир!*

***Хор:***
*— Бойчечак!*
*Бойчечак!*

***Яккахон:***
*— Бойчечагим бойланди,*
*Қозон тўла айронди,*
*Айронингдан бермасанг,*
*Қозонларинг вайронди.*

***Хор:***
*— Бойчечак!*
*Бойчечак!*

***Яккахон:***
*— Бойчечакни тутдилар,*
*Тут ёғочга осдилар,*
*Бахмал билан ёпдилар,*
*Қилич билан чопдилар.*

***Хор:***
*— Бойчечак!*
*Бойчечак!*



## БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,
Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан,
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо,
Янги йилингиз муборак бўлсин, ой момо.
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой она.
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака.
Ҳой, деҳқон бобо, далангга берсин барака.
Ҳой, чўпон бобо, қўрангга берсин барака.
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.

**Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.**

# ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАЁТГАН ЁШЛАР

## *улар тимсолида мамлакатимизнинг порлоқ истиқболини кўрамиз*

**(Давоми. Боши 1-, 5-бетларда.)**

— Минг шукурки, кўкламга ҳам омон-эсон етиб келдик, — деди Ҳиммат бобо. — Эҳ, бу жойлардаги ўзгаришларни кўриб, ҳаяжонимни босолмай турибман. Қисқа фурсат ичида Навоийда бир замонлар тушимизга ҳам кирмаган янгиланишлар бўлаяпти. Болалигимни яхши эслайман. У маҳаллар ҳаёт жуда ҳам мураккаб, яшаш қийин эди. Одамлар бир амаллаб кунини кўришарди. Университет тугул мактабга ҳам ҳамма бора олмасди. Ота-онамдан эрта етим қолганим боис турмуш юки барвақт елкамга тушган. Йигирма уч ёшга тўлар-тўлмасимдан бир бурда нон топиш учун чўлу саҳро, дашту далаларни кезиб, темир йўл қурилишида оғир меҳнат қилишга мажбур бўлганман... Бугун эса ўзгача дунёқарашга, фикрга эга набираларимнинг фаровон ҳаётини кўриб, баъзан севинчдан кўзимга ёш келади. Уларнинг бахтига Юртбошимиздек жонкуяр, фидойи инсон борлигини қалбдан ҳис этиб, хотиржам бўламан. Набиравю абираларимга бундай дориломон кунларнинг қадрига етишларини, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишларини доим уқтираман.

Бугун умр йўлдоши Розия опа билан қарилик гаштини сураётган Ҳиммат бобонинг 7 фарзанди, 22 невараси ва 5 эвараси ҳаётда топган энг улкан бойлиги. Айниқса, 9 ёшидан буён спорт билан мунтазам шуғулланаётган набираси Достон Халиловнинг қўлга киритаётган ютуқлари — Ҳиммат бобонинг фахри.

2011 йили Доғистонда ўтган хотира турнирида бронза медалини қўлга киритган Достон ҳозир Навоий кончилик коллежининг 2-босқичида таълим олмоқда. Шу билан бирга, устози Қаҳрамон Ғаффоровдан кураш сирларини ўрганмоқда. Унинг шахсий ғазнасида ҳозирча ягона олтин медаль бор: у Ғиждувон шаҳрида ўтказилган республика чемпионатида қўлга киритилган. Д.Халилов келажакда қитъа ва жаҳон чемпионатларида ҳам қатнашиб, биринчи ўринни забт этишни мақсад қилганини айтди.



*Ҳиммат бобо Маматов набираси Достон Халилов билан.*

**Жумамурод МИРЗАЕВ олган сурат.**

“Умид ниҳоллари—2012” спорт мусобақаларининг тантанали очилиш ҳамда ёпилиш маросимлари, шунингдек, енгил атлетика, спорт гимнастикаси ва бадиий гимнастика бўйича баҳслар ўтказиладиган “Марказий ўйингоҳ”га йўл олдик. Бу ерда бизга қурилиш участкаси бошлиғи Худоёр Баҳронов ҳамроҳ бўлди.

— “Марказий ўйингоҳ” — янги қурилиш, — деб таништирди у. — Умумий ер майдони 14,8 гектарга тенг ҳудудда “Трест-20 17-вакиллик” пудратчи ташкилотининг икки сменада ишлаётган 450 нафар ишчи-ходимлари томонидан об-ҳаво инжиқликларига қарамай, 11150 нафар томошабинга мўлжалланган стадион ва яна 2та бир хил, 42x30 метр ҳажмидаги спорт зали ҳам барпо этилмоқда. Марказий ўйингоҳдаги ҳар иккиси 250 ўринли бўлган спорт залларига тахтадан пол ётқизиш ишлари тўла бажарилди. Халқаро стандартларга мос келадиган (68x72 метр ҳажмдаги) ўйин майдонига “Канада-грин” номли чим уруғи экилган. Стадион трибунасига ёғочдан умумий ўриндиқлар ўрнатилмоқда. Мазкур объектнинг энг эътиборли янгиликларидан бири шуки, у Марказий Осиёда ягона саккиз йўлакчали югуриш майдончасига эга ўйингоҳга айланмоқда.

Қувонарлиси, бундай жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган спорт иншоотларида келгусида бемалол катта-катта халқаро мусобақаларни ҳам ўтказиш мумкин, албатта. Юртдошларимизнинг яшаш ва яратиш иштиёқини



кўрган хорижлик меҳмонлар, сайёҳлар ўзларининг илиқ фикрларини изҳор қилмоқда.

Аждодларимиз азал-азалдан қаердаки қурилиш ва бунёдкорлик бўлса, у ерда ободонлаштириш ишларини ҳам бирга амалга оширишга одатланган. Бу эзгу юмушга бугун янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда. “Умид ниҳоллари—2012” спорт мусобақалари “юраги” бўлган “Марказий ўйингоҳ”га тегишли шудгор ерга, ҳовлисидаги сўлим фаввора ва йўлакчалар атрофига 20 хилга яқин жами 3000 туп кўчат, 8000 дона бир йиллик гуллар ўтказиляпти. Ҳадемай бу ерлар бир ажойиб боғу чаманзорга айланиб, ўтган-кетганнинг баҳри дилини очади.

Шундан сўнг навбатдаги янги қурилиш — Олий спорт маҳорати мактаби томон йўналдик. “Пахлавон” хусусий фирмаси томонидан бунёд этилаётган мазкур улкан иншоотда 7та спорт зали мавжуд бўлади.



— 5251 квадрат метр ҳудудни эгаллаган объектда дераза ромларини ўрнатиш, электромонтаж, ташқи коммуникация ишлари ниҳоясига етказилмоқда, — деди иш бошқарувчи Зариф Мирзаев. — Объектда 195 нафар ишчи ишлаяпти. Бино битгач, навоийлик болалар спортнинг қиличбозлик, юнон-рум кураши, дзюдо, бокс, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, волейбол, оғир атлетика сингари турлари бўйича юксак маҳоратга эга устоз-мураббийлардан сабоқ олиш имконига эга бўлишади.

Шунингдек, ушбу иншоот яқинида Навоий шаҳар футбол ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернати учун 100 ўринли ўқувчилар турар-жой биноси янгидан қурилмоқда. У ерга биринчи бўлиб “Умид ниҳоллари—2012” спорт мусобақалари иштирокчиларини жойлаштириш режалаштирилмоқда.

Спорт шаҳарчасида яна Навоий спорт коллежига қарашли 100 ўринли ошхона ҳам қуриб битказилмоқда. Айнан шу таълим муассасасида “Умид ниҳоллари—2012” спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи штаб жойлашган.

— Навоийда ўтказиладиган бу йилги спорт тадбирига кенг кўламда тараддуд кўрилаяпти, — деди штаб раҳбари, Навоий педагогика институти ректори Холбой Ибрагимов. — Спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича аллақачон ишчи гуруҳ аъзолари фаолият бошлаб юборган. Хусусан, меҳмонларни тантанали кутиб олиш, жойлаштириш ва кузатиб қўйиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, беллашувлар кечадиган иншоотлар ва қатнашувчилар яшайдиган жойларнинг тозалиги, озиқ-овқат сифатини назорат қилиш, иштирокчилар ва меҳмонларга транспорт хизматини кўрсатиш, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, мусобақа жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, иншоотлар ва ҳудудларни бадиий безаш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган катта жамоа бирдамликда улкан спорт байрамига фестивалига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.



**Ҳа, Навоий вилояти — республикамиздаги энг йирик конлар, маъданлар жойлашган ошён. У бежиз Ўзбекистоннинг “олтин сандиғи”га менгзалмайди. Навоийликлар бебаҳо тупроғида Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар учрашини айтиб, фахрланиб юришади. Бу шунчаки ўйлаб топилган гап эмас, турли тадқиқотлар, текширувлар натижасида ўз тасдиғини топган ҳақиқат. Бироқ Навоийнинг яна бир энг катта бойлиги бу — Истиқлол туфайли юртимиздаги барча тенгдошлари қаторида ҳар соҳада улкан марраларни кўзлаб, келажак сари дадил интилаётган ёшлари, десак асло муболаға бўлмайди!**

**Зоҳиджон ХОЛОВ,**
**“Ma’rifat” мухбири**

*Тошкент — Навоий — Тошкент.*



SAVDOGAR BANK

## ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ «САВДОГАР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ «САВДОГАР» банки жамоаси мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларини, фан-таълим ва банк молия тизими жамоаларини, ўз акциядорлари ва мижозларини гўзаллик ва нафосат, янгиланиш айёми "НАВРЎЗ" умумхалқ байрами билан муборакбод этади!
Ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилаймиз!

**Ўзбекистон-Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки республикамиз аҳолисига қуйидаги омонат турларини таклиф этади.**

**Миллий валютадаги омонатлар:**

| Омонат номи: | Муддати: |
| --- | --- |
| «Мустаҳкам оила» | 12 ой |
| «Коммунал тўлов» | камида 6 ой |
| «Хазина» | 6 ой |
| «Истиқбол» | 3 ой |
| «Кафолат» | 6 ой |
| «Орзу» | 12 ой |

**Хорижий валютадаги омонатлар:**

| Омонат номи: | Муддати: |
| --- | --- |
| «Комфорт» | 3 ой |
| «Универсал» | 6 ой |
| «Элит» | 12 ой |

**Ишончли ва мустаҳкам ҳамкорлик учун Омонатлар. «САВДОГАРБАНК»**









**Ma'rifat**

*TA'SIS ETUVCHILAR:*
*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-318.
Tiraji 56133.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.



*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

*Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.*



MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.



Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir: Nargiza IBROHIMOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.45
Topshirildi — 22.00